2003 YIL 22 MAY, PAYSHANBA

# Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№66 (6.591). Sotuvda erkin narxda

## БУГУНГИ СОНДА

АСАБНИ "ЭГОВЛОВЧИ" ШАРТНОМАЛАР (1-2-саҳифаларда)



РАҚОБАТ - ТАРАҚҚИЁТ МЕЗОНИ (1-3 саҳифаларда)

ДУНЁ БЎЙЛАБ "САЁҲАТ"ДА (1-2-саҳифаларда)




● Тошкент давлат юридик институти ҳамда Конрад Аденауэр жамғармаси хусусий юстиция ва низоларни ечишнинг янги тизими масалаларига бағишлаб халқаро анжуман ўтказди.

● Ўзбекистон Фанлар академиясида табиий бирикмалар кимёси масалаларига бағишланган 5-халқаро симпозиум бошланди.

● Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнғин хавфсизлиги Бош бошқармаси ташаббуси билан Нукусда амалий спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

● Шаҳрихонлик тадбиркор Раҳмиддин Мирзақов «Бўстон» ширкат хўжалигида сутни қайта ишлайдиган завод қурди.

● Нукуснинг Чимбой мавзесидаги Ботаника боғи сўнгги йиллардаги қурғоқчилик оқибатида анча сийраклашиб қолган эди. Шаҳарнинг 70 йиллик тўйи муносабати билан бу ерда Олимпия захиралари спорт коллежи қурилиши бошлаб юборилди.

● Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар агентлигининг «Ўзэкспомарказ» республика савдо-кўргазма залида «ЭКСПО ИТАЛИЯ-2003» технологиялар, асбоб-ускуналар ва тайёр маҳсулотлар миллий кўргазмаси очилди.

● Қарши тумани пиллакорлари вилоятда биринчи бўлиб шартнома-режани бажарди. Қабул пунктига 191 тонна қимматбаҳо саноат хомашёси топширилди.

● Кўшработ туманининг олис Кўштамғали қишлоғида врачлик пункти иш бошлади.

● Ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимидаги ўқув юртлари бадиий жамоалари ўртасида «Ўзбекистон қўшиқ байрами» республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

● Фарғона шаҳрида мукофот жамғармаси 26 минг АҚШ доллари бўлган халқаро «Челенжер» турнири якунланди.

● Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет катта театрида «Чарх-2003» анъанавий ўзбек рақси фестиваль-танлови якунланди.



Нуробод тумани ғаллакорлари асосан лалми майдонларда деҳқончилик қилишади. Бу эса ғаллакордан ҳар бир ишга масъулият билан ёндашиб, самарали меҳнат қилишни талаб этади. Бош пудратчи Абдумажид Отамуродов ўтган йили 80 гектар лалми майдонга уруғ қадаб, режадаги 7 центнер ўрнига 11 центнердан ҳосил олди. У жорий йилда гектарлар ҳосилдорлигини 15 центнерга етказишни кўзлаб меҳнат қилмоқда.

**СУРАТДА:** бош пудратчи Абдумажид Отамуродов.

Б.АКРАМОВ олган сурат.

## ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

***Тошкент. ( ЎзА мухбири Саидмурод РАҲИМОВ). Тошкентда савдо-иқтисодий ва фан-техника соҳасида ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Эрон Ҳукуматлараро комиссиясининг бешинчи мажлиси бўлиб ўтди.***

Мажлисда икки мамлакат Ҳукуматлараро комиссиясининг ҳамраислари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Рустам Юнусов ҳамда Эрон Ислом Республикаси савдо вазири Муҳаммад Шариатмадорий раҳбарлигидаги делегация иштирок этди.

Мажлис иштирокчилари икки мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожи ҳақида ахборот билан танишиб, Ўзбекистон билан Эрон ўртасидаги иқтисодиётнинг турли соҳаларида ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.

Ўзбекистон билан Эрон Ислом Республикаси ўртасида иқтисодий-ижтимоий ҳамкорликни ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд. Ҳозиргача Ўзбекистон Республикаси билан Эрон Ислом Республикаси ўртасида ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришнинг тамойиллари ва йўналишларини белгилаб берувчи ўн бешдан ортиқ ҳукуматлар ва идоралараро ҳужжат имзоланган. Айни пайтда Ўзбекистонда икки мамлакат ишбилармонлари ҳамкорлигида 53 корхона фаолият юритмоқда.

**(ЎзА)**

СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

## МИЛЛИЙ ПУЛИМИЗ - ФАХРИМИЗ

***Мамлакатимизнинг миллий валютаси - ўзбек сўми қанчалик чиройли ишлангани ҳаммамизга маълум. Майдаларидан йирикларигача, яхшилаб кўздан кечирсангиз, ундаги бежирим безаклар, тиниқ суратлар кўзингизни қувонтиради.***

Ўзбекнинг миллий пули - давлат рамзларидан бири бу! Унда миллий қадриятларимиз, осори атиқаларимиз, давлатимиз туғроси акс этган. Шунинг учун уни ҳурматлаш лозим. Бироқ, баъзида пул купюралари юзидаги ҳар хил ёзувларни кўриб, таъбингиз хира тортади. Айниқса, банк ёхуд савдо муассасалари ходимлари адашмаслик учунгина пулларни турли рақам ва сўзлар билан "бежаб ташлашади". Телефон рақамларию, жой номларини ҳам пуллар четида ўқишингиз мумкин. Ҳатто А+Б=С кўринишидаги "севги формулалари"гача учрайди. Бу эса миллий сўмимизни хунуклашиб, тезда яроқсиз ҳолатга келиб қолишига сабаб бўлаётир. Ахир бу мустақил Ватанимиз пул бирлигига нисбатан ҳурматсизлик эмасми?

Аслида пулга муносабат борасида ривожланган мамлакатлардан ўрнак олса, арзийди. Масалан, АҚШ ва Буюк Британияда пулга ёзиш қолоқлик, одобсизлик ҳисобланади. Бир пайтлар Германияда немис маркасига салгина қалам теккизганлар ҳам жавобгарликка тортилган. Япония телевидениеси орқали япон иенасини қадрлаш лозимлиги, арзимаган пулга ҳам конверт, открытка, қалам, гугурт каби буюмлар сотиб олиш мумкинлиги эслатиб туриларкан. Бу мамлакатларда кишилар доимо пулларини махсус ҳамёнларга солиб юриши, савдо муассасаларида ҳам пуллар эҳтиёткорлик билан сақланишини кўпчилик яхши билса керак. Уларда валютага нисбатан айрича ҳурмат, муносабат шаклланган. Шундай бўлиши ҳам керак-да. Чунки у аввало меҳнатга берилган баҳо, кишилар ўртасидаги муомала воситаси-ку!

Бизнинг юртдошларимиз ҳам пулни сифатли сақлаш маданият белгиси, ватанпарварликнинг кичик бир кўриниши эканлигини унутмаслиги даркор. Жайдари қилиб айтганда, пул ҳам жигардан бино бўлади-ку!

**Жаҳонгир ХОЛИҚОВ**

***НУКУС. /ЎзА мухбири А.ОРТИҚБОЕВ/. Қорақалпоғистонда ЮСАИД - Америка халқаро тараққиёт агентлиги томонидан молиялаштирилган махсус лойиҳа бўйича иш бошланди.***

***Агентликнинг табиий ресурслар бошқарувини такомиллаштириш дастури (NRMP) доирасида амалга оширилаётган мазкур лойиҳа Оролбўйида тоза ичимлик суви таъминотини яхшилашга хизмат қилади.***

## МАХСУС ЛОЙИҲА

Лойиҳа учта асосий йўналиш: сизот сувларни чучитиш тизимларини ўрнатиш, Нукус насос станцияси фаолиятини яхшилаш, сув таъминоти тармоқлари эксплуатацияси учун асбоб-ускуналар сотиб олиш бўйича олиб борилди.

- Биринчи йўналиш бўйича Қорақалпоғистоннинг шимолий ҳудудидаги чекка овуллар аҳолиси учун сизот сувларни чучитиш тизими ўрнатилиб, чуқур қудуқлар, сув сақлаш ҳавзаси ва тақсимлаш қувурлари бунёд этилди,- дейди лойиҳа мутахассиси Максим Фазлиддинов. - Бундай тизим ишга тушиши туфайли 5,7 минг кишини ичимлик суви билан таъминлаш яхшиланди.

Иккинчи йўналиш бўйича 160 минг киши яшайдиган ҳудудни сув билан таъминлаётган Нукус насос станцияси фаолиятини такомиллаштириш кўзда тутилган эди. Бугунги кунда насос станциясининг электр ва механика тизимлари янгиланди, бошқарув компьютер тизимига ўтказилди. Натижада насос станциясининг иш самараси ошиб, йилига 3,4 миллион киловатт-соат электр қуввати тежаш имконияти яратилди.

Сув таъминоти тизимини янада такомиллаштириш мақсадида амалга оширилаётган лойиҳа бўйича янги экскаватор, таъмирлаш асбоблари билан жиҳозланган юк машинаси, дренаж насослари, электр қувватли генераторлар, пайвандлаш ускуналарининг келтирилиши тармоқ фаолиятини узайтирибгина қолмай, ишдан чиққан тизимни таъмирлашни тезлаштириш имконини беради.

Лойиҳа тўла амалга оширилгач, 330 минг киши яшайдиган ҳудудда ичимлик суви муаммоси узил-кесил ҳал бўлади.

## "УМИД НИҲОЛЛАРИ" НИҲОЯСИГА ЕТДИ

*Хоразмдан махсус мухбиримиз Умид Бекмуҳаммад хабар қилади:*

***Қизғин беллашувлар ва ёшларга хос шижоату матонат билан бир ҳафта давом этган "Умид ниҳоллари-2003" спорт ўйинлари ўз ниҳоясига етди.***

-Ушбу мусобақа биз учун чинакам гўзаллик, камолот ва дўстлик баҳсига айланди. Ана шу спорт байрами боис яна бир карра ўз кучу қудратимизни намойиш қилдик. Кўплаб дўстлар орттирдик. Тўғри, кимдир ғолибликни қўлга киритди. Кимнингдир омади унча чопмади. Бироқ янги-янги дўстлар билан танишганимиз энг катта ютуғимиз бўлди. Ёш спортчилар учун асосийси ана шу, - дейди қорақалпоғистонлик қатнашчилардан бири Улуғбек Сапоев.

-"Умид ниҳоллари" мусобақаси ҳаётимда энг эсда қоларли воқеа бўлди. Негаки, мен ушбу байрамда бевосита иштирок этдим, шунинг баробарида кўҳна Хоразмнинг бой маданий ёдгорликлари, муҳташам обидалари, мустақиллик йилларида барпо этилган Жалолиддин Мангуберди, "Авесто" мажмуалари билан танишдим, - дея ўз таассуротларини ўртоқлашди сурхондарёлик ёш спортчи Т.Холиқов.

Демак, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, бир ҳафта давом этган спорт ўйинлари баркамол ёш авлодни камол топтириш йўлидаги дадил қадамлардан бири бўлди.

20 май куни "Хоразм" ўйингоҳида бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари"нинг ёпилиш тадбирини ҳам ана шу ҳамжиҳатлик ва дўстлик байрамининг яққол кўриниши бўлди, дейиш мумкин.

Йигирма минг кишилик ўйингоҳ тадбир иштирокчиларининг қувончу шодликлари билан янада кўркамлашди, улуғворлик касб этди. Яна ўйингоҳ узра дилрабо оҳанглар тарала бошлади. Мусиқага ҳамоҳанг тарзда ўйингоҳга Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларнинг ёш спортчилари кириб келишди.

Ниҳоят беллашув ғолибларига тантанали равишда қимматбаҳо совғалар топширила бошланди. Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин соҳиби бўлган Тошкент шаҳри вакилларига Президентимиз Ислом Каримовнинг "Умид ниҳоллари" мусобақаси иштирокчиларига йўллаган табригининг асл нусхаси ва "Матиз" автомашинаси калитини Хоразм вилоят ҳокими Ислом Бобожонов, Ўзбекистон халқ таълими вазири Р.Жўраев топширди. Иккинчи ўринга сазовор бўлган Хоразм вилояти ёш спортчиларига "Дамас" автомобили насиб қилди. Учинчи ўринни эгаллаган фарғоналик ёшларимиз компьютерлар мажмуи билан тақдирланишди.



Шунингдек, Хоразм вилояти футбол жамоаси ўйинчиси Мансур Авезов "Умид ниҳоллари" мусобақаларининг "футбол юлдузи", волейбол бўйича наманганлик ўқувчи қизлар гуруҳи "Ғалабага бўлган иродаси учун", бадиий гимнастика бўйича "Хоразм" жамоаси аъзоси Наргиза Пирниёзова "Нафосат маликаси", Навоий вилоятилик сузувчилар жамоаси аъзоси Антон Тишченко "Энг кўп медаллар соҳиби" мукофотини қўлга киритган бўлса, белбоғли кураш бўйича ўз маҳоратини намойиш этган фарғоналик Улуғбек Эркабоев "Мардлик ва юксак иштиёқи учун" каби мукофотларга сазовор бўлишди.

Ҳис-ҳаяжон ва шоду хуррамлик билан ўтган тадбир иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.



"Умид ниҳоллари-2003" спорт ўйинларининг ёпилиши маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев, Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов иштирок этди.

**СУРАТЛАРДА:** ёпилиш маросимидан лавҳалар.

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.

## ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

ИСЛОҲОТ

***Кейинги вақтларда мамлакатимизда фермер хўжаликлари фаолиятига катта эътибор қаратиляпти. Уларнинг ишини замон талаблари даражасида, самарали ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида зарур чора-тадбирлар амалга оширилаяпти, турли ўқувлар, семинарлар ўтказилаяпти.***

Яқинда хизмат юзасидан Қашқадарё вилоятига борганимизда ҳам шунга ўхшаш тадбирнинг гувоҳи бўлдик. Вилоятнинг Касби туманидаги Илёс Турдиев номли фермер хўжалигида "Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларнинг амалга оширилиши" мавзусида семинар-кенгаш ташкил этилаётган экан.

-Бундай семинарлар минтақавий тарзда бир нечта туманларда ўтказилаяпти, - дея изоҳ берди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Зафар Рўзиев. – Бу галги анжуманда Миришкор, Косон, Касби, Нишон каби туманларда фаолият кўрсатаётган фермерлар, тегишли ташкилотлар раҳбарлари, мутасадди кишилар иштирок этишади. Ҳамма гаплар очиқчасига гаплашиб олинади. Вилоятда фермер хўжаликлари фаолиятини янада ривожлантириш ҳақида ўзаро маслаҳатлашилади.

(Давоми 3-бетда)

БОР БЎЛ, ОҚИБАТ!

## ЙЎҚОЛГАН "ОЛТИН ЮЛДУЗ"НИНГ ТОПИЛИШИ

***1998 йил май ойининг сўнгги кунлари Фарғонада анча ёмғирли кечди. Узлуксиз ёғингарчилик боис деҳқонларнинг иши тўхтаб қолди.***

29 май куни кечга яқин осмонни қуюқ булут қоплади. Майдалаб ёға бошлаган ёмғир кўп ўтмай кучли жалага айланди. Бунинг оқибатида электр энергияси тармоғида узилиш рўй берди. Юзага келган вазият боис Қувадан оқиб ўтган катта бетон канал атрофидаги хонадонлар аҳли уйларини тарк этишга мажбур бўлишди. Чунки, кучли жала туфайли каналда сув кўпайиб турар жойларга оқиб кирганди.

Бу пайтда қувалик Умурдиновлар оиласи ҳам ҳар эҳтимолга қарши уйларидан чиқиб кетишганди. Бундан нияти бузуқ кимсалар фойдаланиб қолишди.

(Давоми 2-бетда)

## ОЛҒИРЛАР

НАЗОРАТ

***Очиғини айтмоқ керакки, қишлоқ тадбиркорларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг руҳини, кайфиятини кўтариш ўрнига айрим жойларда раҳбарлик курсисига елимдек ёпишиб олган, ўзим – хон, кўланкам - майдон қабилида мавжуд қонун-қоидаларни истаганча топтаётган расмиятчи мансабдор шахслар ҳам борки, уларни янгиликлар йўлидаги тўсиқ, ғов деб атасак янглишмаган бўламиз.***

Ислоҳотлар жараёнида, хусусан аграр соҳада контрактация шартномаларининг нималиги-ю, аҳамиятини тушунмайдиган раҳбарлар деярли қолмади ҳисоб. Ҳаммаси тушунишади, билишади, аммо баъзилари афсуски, унга амал қилишмайди. Айнан шу нарса олдиндаги умумий мақсадларга эришишни қийинлаштирмоқда.

Бугунги кунда прокуратура идоралари ҳам контрактация шартномалари билан боғлиқ чигалликлар, масъулиятсизликлар, ноҳақликлар борасида фаолият юргизиб, фермерларга ҳуқуқий ёрдам бераётгани боис, тушаётган аризалар сони кўпаймоқда. Бундан ташқари ходимларимиз Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуни ижроси юзасидан текширишлар ўтказишмоқда.

(Давоми 2-бетда)

ОҒРИҚЛИ НУҚТА

## ИТ - ВАФО, ИТ... ЖАФО

***Қадимдан итлар инсон учун энг содиқ жонивор ҳисобланиб келинган. Шу боис, улар алоҳида эътибор билан парвариш қилинган, ҳамиша одамзод билан ёнма-ён яшаб келган. Аммо кейинги пайтларда кўпгина овуллардаги баъзи хонадонларда дайди, қопоғон итлар бемаза қовуннинг уруғидек кўпайиб кетгани кишиларни ташвишга солаётир.***

Яқинда ҳамкасбларимиздан бири ана шу дайди итлардан кўрган ҳам моддий, ҳам маънавий зарари тўғрисида нолиб қолди.

-Нукус шаҳридаги марказий кўчаларнинг биридан кетаётган эдим, - дейди у киши. – Ердан чиқдими, осмондан тушдими, бўйи бир қарич, жимитдеккина ит пусиб келиб нақ оёғимдан олса бўладими? Ўзимни ўнглаб олгунимча зинғиллаб тор кўчага уриб кетди. Баҳор фасли. Ит эгасини танимайман, унинг соғлом ёки касаллиги номаълум. Ноилож антробик зардоб билан эмландим.

(Давоми 2-бетда)

## ТОШМУРОД АКАНИНГ ЭЗГУ НИЯТИ

ДИЙДОР

***Яқинда таҳририятимизга соқоли кўксига тушган, эгнидаги тўни ва бошидаги дўпписи ўзига ярашган нуроний бир отахон ташриф буюрди.***

Бу инсон "Қишлоқ ҳаёти" газетасининг тамал тошини қўйган фахрийларидан, кекса журналист Тошмурод Маманиёзов эди. Отахоннинг ташрифи бутун таҳририят аҳлини бағоят хурсанд қилди. Касбдошингнинг улуғ ёшларга кириб мана шундай бардам, мана шундай нуроний ва ўктам бўлиб юриши қалбингда ғурур ва қаноат ҳиссини уйғотар экан. Беихтиёр тилингда "Сизнинг ёшингизга етиб юрайлик" деган эзгу тилак айланаркан.

Иккинчи жиҳати кекса авлод вакиллари билан учрашувлар сермазмун мулоқотлар, ҳикмат ва хотирага ошно қилади кўнгилни. Ҳаётнинг ўткинчилиги, инсон эзгулик ва меҳру оқибат учун яшамоғи кераклигини такрор-такрор англайсан.

Тошмурод ака билан илк бор танишишимиз қизиқ бўлган.

(Давоми 4-бетда)

ҲИКМАТ

*Турса нокас тўрда-ю,*
*пойгакда мард,*
*бу айб эмас.*
*Чунки дарё пойида гавҳар,*
*ажаб, бош узра хас.*

**Абдулқодир БЕДИЛ**

"ҒАЛЛАБАНК" - ХОНАДОНИНГИЗГА БАРАКА КЕЛТИРСИН

КЕЛГУСИ СОНДА: "ОВИ" ЮРИШМАГАН ОВВОРАЛАР | БАССЕЙНДА ТЎП ТЕПСА БЎЛАДИ...МИ? | ИЛК ТАНИШУВ ПАНД БЕРДИ




## “ОЙДИН КЎЧАЛАР...”

***Собиржон эртароқ мол-ҳолини саранжомлаш ниятида машина тезлигини оширди. Йўлдаги сувларни ҳар тарафга сачратиб елаётган машина йўлдан чиқиб кетди. Собиржон аввало ўзини койиди. Нега тезликни оширдим, дея пушаймон бўлди. Сўнгра йўлсозлар ҳақида ҳам икки-уч оғиз аччиқ-чучук гап айтди.***

Ўнг қаноти тутга ишқалиб, ариққа тумшуқлаб қолган “Тико”нинг радиоприёмнигидан эса дилбар қўшиқ таралларди. Қўшиққи, худди атайлаб айтилаётгандек йўлнинг аҳволи, юз берган фалокат, Собиржоннинг йўқ жойдан орттирган ташвишига зиғирча мос келмас, аксинча жароҳатга туз сепарди.

Собиржон оҳиста жилмайди, сўнгра қаҳ-қаҳ отиб кула бошлади. Даладан қайтаётган йигитлар машинани ўнглаб, йўлга солишда унга ёрдамлашишаркан, ҳайратда эдилар. Йўл-йўлакай уларни ҳам миндириб олгач, Собиржон машинани секин жилдирди. Радиоприёмникнинг қулоғини эса бураб, овозини баландлатди. Ҳамроҳлар шундагина гапнинг нимада эканини англаб етдилар: “Кўчалар, кўчалар, ойдин кўчалар...”

Лат еб, унча-бунча пачақ бўлган машина оҳиста илгарилар, қўшиқ таралар, тўртовлон эса ўзларини кулгидан тўхтата олмас эдилар.

**Ўктам ҚУРБОНОВ**

## ЮГУРГАННИКИ ЭМАС, БУЮРГАННИКИ...

***Турсунбой почтадан фарзандларининг нафақа пулини олиб келгани чиққанди, йўлда қўшниси Мирзабекни учратиб қолди. Биргалашиб почтага боришганида одам анчагина гавжум эди. Қараса, ҳали-бери навбат келмайдиган. Шунда у йўлини қилди-да, одамлардан олдинроқ кириб ҳам ўзининг, ҳам қўшнисининг пулини олиб чиқди.***

-Камига бештадан лотерея қўшиб берди, - деди Турсунбой ҳамроҳига.

-Меникини ҳам сен олақол. Хотинимни биласан, майда гап. Яна тағин ғалва кўтармасин.

-Нимаям дердим, - дея хоҳламайроқ рози бўлди Мирзабек.

Орадан уч ой ўтиб, лотерея ўйналди. Бирданига қишлоқда шов-шув тарқалди. Ҳамманинг оғзида бир гап: Мирзабекка ютуқ чиққанмиш. Тағин бир эмас, иккита ютуқ. Бирига рангли телевизор бўлса, бирига гилам. Дўстлар ҳавас қилди, душманлар эса ҳасад...

Орадан кўп кун ўтмай кўчага ясан-тусан қилиб чиққан Мирзабек қўшнисининг уйидан эр-хотиннинг жанжалини эшитиб қолди.

-Ҳаммаси сендан бўлди-я! – дейди Турсунбой жаҳл аралаш хотинига бақираркан. – Жанжал қилишингни ўйламаганимда ўзим олардим-а шу лотереяни. Сени деб ҳам гилам, ҳам телевизордан қуруқ қолдик...

**Беҳзод ҲОТАМОВ**

## НИШОНГА ТЕККАН “ЎҚ”

***Саъдулла акани ҳамкасблари “жосус” деб аташади. Бу бежизга эмас, албатта. У кимнинг ишга қачон кечикиб келгани, тушликдан сўнг соат нечада “ғойиб” бўлгани - ҳамма-ҳаммасини ёндафтарчасига ёзиб боради. Ўзича бир кун асқотиб қолади, деса керак-а.***

Жума куни у бошлиқ ҳузурига кирди. Лутфулла Насимович унга “хизмат?” деган назар билан қаради. Саъдулла акага жон кирди.

-Эрталаб соат ўнда бир пиёла чой ичай, деб Ғафуржоннинг олдига ўтмоқчи эдим – кабинети берк экан, - дея сўз бошлади у муҳим бир сирни ошкор этган каби. – Балки у Назиржоннинг хонасидадир, деб қарасам унинг эшиги ҳам қулфлоғлиқ. Кеча Зиё Аҳмедович тобим қочиб турибди, дегандек бўлгандилар. Иккаласи у кишидан ҳол сўрагани чиққандир, деган хаёлда борсам, эшик очиғу ҳеч ким йўқ. Афтидан, фаррош хонани тозалаб эшикни қулфлашни унутган...

-Хўш, хўш, - дея кўзойнагини қўлига олди Лутфулла Насимович. – Бундан чиқди, тартиб-интизом бўшашган, демоқчисиз-да.

-Жуда бўшашган, - отган ўқи нишонга текканидан завқланган Саъдулла ака дадиллашди. – Буёғини эшитинг. Кейин эҳтимол, барча мажлисдадир, деган ўйда кабинетингизга келдим. Ажабо, бу ер ҳам берк экан.

-Нима-а?.. – бошлиқнинг важоҳати кескин ўзгарди.

Аслида Саъдулла аканинг отган ўқи энди нишонга теккан эди.

**И. ИСТАМОВ**

## ЕЛГА СОВУРИЛГАН ЗИЁФАТ

***Камолиддин бош пудратчи бўлгач, анчагина манмансираб қолди. Бўлим ҳудудида қадимий қўрғонми ёки қалъа қолдиғими, ишқилиб ясси тепалик бор. Уни “Янги қишлоқ”ликлар “маслаҳат тепа” ҳам дейишади. Бу ердан ҳамма томон кафтдагидек кўриниб туради. Ёз кунларининг бирида Тангриберди, Сафо, Қуронбой ва Мадамин шу ерда салқинлаб ўтиришарди. Узоқдан Камолиддиннинг қораси кўзга ташланди.***

-Йигитлар, - деди Тангриберган қаддини ростлаб. – Миямга бир шумлик келди. Амалга ошса, қуюқ зиёфат бўлиши тайин...

-Хўш, қани? - қизиқишди даврадагилар.

-Биласанлар, Камолиддин олдинги кун Нукусдан сиртқи ўқишдаги сессиясида ярим ой юриб қолди. Овулдаги янгиликлардан унча хабари ҳам бўлмаса кераг-ов. “Кеча мана бу Мадамин ўз ихтиёри билан ишдан бўшади, раҳбарият ҳам маъқуллади. Унинг ўрнига бўлим бошқарувчилигига сенинг номзодингни кўрсатдик. Иш пишди”, деймиз. Ўзи ҳам амал деса, томдан ташлайди. Сен Мадамин оғриниброқ бўлса ҳам идора калитини унга топширасан...

Шумлик аъло даражада ижро этилди: “янги бошқарувчи” кечқурун қуюқ зиёфатга эрийдиган бўлиб, тайёргарлик кўриш учун уйига отланди. Ўн чоғли йигитлар туннинг алламаҳалигача бир қўчқор, икки яшикароқни паққос туширишди...

Эртасига чошгоҳга яқин бўлим идорасига борган Камолиддинни хўжалик раҳбари қовоғидан қор ёғиб кутиб олди. Идора атрофида йигирма чоғлик бўлим фаоллари кўзга ташланар эди.

-Далангда ишлар ўлда-жўлда. Ўқишдан келганингга уч кун бўлса ҳам қорангни кўрсатмайсан. Бугун бош пудратчи бўлиб ишда қолиш-қолмаслигингни кўрамиз, - деди зарда билан.

-Ахир, ўзларингиз бўлимга бошқарувчи қилиб сайлабсизлар-ку?. Шунга кеча йигитларга зиёфат дегандек...

Директор “Бу йигитга нима бўлди?” дегандек бироз тикилиб қолди ва масаланинг моҳиятига тушунди шекилли, истеҳзо билан:

-Тушунарли, амал учун берилган зиёфат елга учибди-да, - деди.

-А?.. – Камолиддин кўзи тиниб, эс-хушини йўқотаёзди...

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ**

## ЙЎҚОЛГАН “ОЛТИН ЮЛДУЗ”НИНГ ТОПИЛИШИ

(Боши 1-бетда)

Кимсасиз қолган уйга киришиб марҳум, Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони Муҳиддин Умурдиновнинг орден ва медалларини барча ҳужжатлари билан бирга ўғирлаб кетишди. Эртаси куни бу воқеадан хабар топган хонадон соҳиби Раҳматжон Умурдинов дадасидан қолган ёдгорлик ўмариб кетилганидан изтиробга тушди. Лекин, бу ҳақда ҳеч кимга, ҳеч ерга арз қилмади.

Орадан ойлар, йиллар ўтди. Лекин, Умурдиновлар оиласидаги нохушлик ҳеч кимнинг ёдидан чиқмасди. Муҳиддин тоғанинг ўғли Раҳматжон юз берган кўнгилсизликда ўзини айбдор ҳис қиларди. Отаси урушда кўрсатган жасоратларининг исботи бўлган ёдгорликларни ўғирлатиб юборганидан қаттиқ изтироб чекарди. Кўнглининг бир четидаги умид уни бироз тинчлантириб турса-да, лекин йўқолган нарсаларнинг топилишига ишонмасди.

Кунларнинг бирида Раҳматжон ҳар сафаргидек ишга отланиб турган эди, почтачи унга мактуб ташлаб кетди. Конверт устида битилган манзилни кўриб Раҳматжон ҳайратдан донг қотди. Хат АҚШдан келган эди.

Мактубни Америка фуқароси, Лос Анжелес шаҳрида яшовчи Генри Сакайда исмли киши ёзган экан. У ушбу мактубида ўзида қувалик қаҳрамон Муҳиддин Умурдиновнинг «олтин юлдуз» медали сақланаётганини билдиргани ҳолда, Қаҳрамоннинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасоратлари ҳақида Россия Мудофаа вазирлигидан билиб олганлигини ёзади. Ва Умурдиновнинг урушдан кейинги ҳаёти тўғрисида маълумотлар сўрайди.

Шу тариқа икки орада хат ёзишмалари бошланади. Мактубларнинг бири медалнинг ҳужжати ва унинг устида «олтин юлдуз»нинг расми келади. Буларни кўрган Раҳматжон ҳайрон бўлади. Чунки, бу суратда айнан ўша йўқолган қаҳрамонлик юлдузи ва ҳужжатлари акс этганди. Шунинг учун Раҳматжон булар қандай қилиб америкалик Сакайданинг қўлига тушиб қолганини сўраб, агар у рози бўлса бу нарсаларни қайтариб сотиб олиши мумкинлиги ҳақида Генрига хат ёзади.

Кейинчалик, хатидан маълум бўлишича, Генри Сакайда уруш ёдгорликларини тўплаш билан шуғулланар экан. У германиялик дўстидан Ўрта осиёликларга тегишли уруш ёдгорликларини сўраган.

2000 йилда Генри Сакайда германиялик дўстидан «олтин юлдуз»ни маълум бир маблағ эвазига сотиб олади. Сўнгра медалнинг ҳақиқийлиги ва кимга берилганлигини билиш мақсадида Россия Мудофаа вазирлигига хат ёзади. Кўп ўтмай, Москвадан ўша рақамдаги олтин медал қувалик Муҳиддин Умурдиновга берилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ва маълумотлар жўнатилади.

Кунларнинг бирида Генри Сакайда Лос-Анжелес бозорларини айлангани чиқади. Уруш ёдгорликлари сотиладиган жойда турли-туман расмлар билан савдо қилаётган одамлар олдида турган бир суратга кўзи тушади ва унга қаттиқ тикилиб қолади. Буни пайқаган сотувчи:

-Сиз бу одамни танийсизми? – деб сўрайди.

Генри Сакайда жилмайганича сотувчидан суратнинг орқасидаги ёзувни ўқиб беришини илтимос қилади. Сотувчи расм Муҳиддин Умурдиновга тегишли эканини айтади. Генри ушбу тасодифдан ҳайратда қолади ва суратни ҳам сотиб олади.

Ўтган йилнинг 9 август куни қувалик марҳум қаҳрамон Муҳиддин Умурдиновнинг ўғли Рустамжонни Тошкентга таклиф қилишди. Мамлакатимиз Мудофаа вазирлиги музейида медални қайта топширишга бағишланган тантанали маросим ўтказилди. Ушбу тадбирда АҚШдан келган меҳмонлар ва бир неча уруш фахрийлари Муҳиддин Умурдиновнинг жасоратлари ҳақида сўз юритдилар. “Олтин юлдуз”нинг дунё бўйлаб саёҳати тугаганлигини айтишиб, қаҳрамонга тегишли бўлган барча ҳужжат, орден ва медалларни Раҳматжон Умурдиновга топширдилар.

Ўз навбатида Раҳматжон ҳам ўзининг ва оила аъзоларининг чин дилдан хурсандликларини билдириш билан бирга Генри Сакайдага ҳамда йўқолган нарсаларнинг қайтишида ёрдам берган барча кишиларга ўз миннатдорчилигини изҳор қилди.

Шу тариқа тўрт йиллик жаҳонгашталикдан сўнг, қувалик Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамони Муҳиддин Умурдиновдан хотира бўлиб қолган орден ва медаллар ўз эгаларига қайтиб келди.

**Мўйдинжон СОБИТОВ**

ТАБИАТ ВА ИНСОН

## БЎТА БЎЗЛАГАНДА...

***Ҳар баҳорда Ҳайдаркўл тўлиб-тошади. Ўрдаклар галаси унинг қирғоқлари бўйлаб озод сузиб юради. Баъзида кўтарилган бўрон Қизилқум бағридаги сарғишранг қум зарраларини соҳилларга оқизиб келади.***

Бир-бирига уланиб кетган барханлар саксовулларнинг айқаш-уйқаш шохлари соясида янада жозиба касб этади. Бу паллада Ҳайдаркўл асов тулпордек гижинглаб чайқалади. Тўлқинлар бир-бирини қувиб қирғоққа талпинади. Шундай кезларда соҳилдан ошган тўлқинлар барханлар атрофига ҳалқа солади. Шу атрофдаги отлар, туялар ҳосил бўлган оролчаларда қолиб кетади.

Ана шундай кунларнинг бирида Карибой чўпоннинг ҳаловати бузилди. Унинг ўн етти туяси бир ҳафтадирки, оролда қолиб кетди.

Бу чўлларни кариҷлаб чиққан Карибой туяларини қутқариш чорасини излади. Шу мақсадда хўжалик раҳбари Пўлат Сулаймоновга мурожаат қилди.

Кўп ишнинг ҳадисини олган Сулаймонов чўпоннинг дардини эшитди-ю, ишга киришди.

Улар тезда усталар билан қалами чўпдан қайиқ ясашди, машинага ортиб кўл бўйига келтиришди ва Орол томонга сузиб боришди. Жониворларни нўхталаб қайиқ томон ҳайдаб келдилар. Бироқ, уларни қайиққа ортишнинг иложи бўлмади. Шошилинч иш кўрилмаса, борган сари сув кўпайиб, туялар турган тепаликни ҳам ютиб юбориши ҳеч гап эмас эди.

Сулаймонов Карибой чўпонга қўшилиб тадбир излади.

-Қаранг-а, - деди кекса чўпон, - оролда арвона зотли она туям ҳам бор, бўталоғи овулда қолиб кетган.

Сулаймонов бўтани олиб келиш учун юк машинасини юборди.

Чўлда ҳеч ким туянинг сувда суза олишини билмас экан. Одамлар таёқ билан туяларни сув бўйига ҳайдаб келишар, лекин ҳеч бир туянинг сувга тушишга юраги дов бермасди.

Ниҳоят, Юзбой бўтани қудуқдан олиб келиб нўхтаси билан сув бўйига етаклашди. Бўта узоқдаги онасини таниб бўзлай бошлади. Шу чоқ мўъжиза юз берди. Она туя бўталоқ ноласидан юраги эзилиб, кўл бўйига лўкиллаб келдию, бир ёнбоши билан сувга ётди-да, тўрт оёғини ҳаракатга келтириб, икки юз метрлик масофани босиб ўтди ва бўталоғини бағрига олди. Бошқа туялар ҳам унинг кетидан бирма-бир сувга тушишди.

Фақат оролда икки яшар эркак туя бўкириб қолди. Чўпон уни қайиқ билан олиб ўтди.

Ана шунақа. Табиат шундай донишмандки, ундаги ҳар қандай жумбоқ ва муаммонинг ечимини ҳам унинг ўзидан қидириш мумкин. Уни ўз вақтида топиб тадбир белгилаш эса инсонлар зиммасида.

## ТУЯНИНГ АЧЧИҒИ

***Йил қурғоқчил келганда кекса чорвадорлардан бири сурувини ҳудудсиз чўлларга кўчирди. Қумда тухум кўмса пишадиган кунлар ортда қолди. Қизилқумнинг аччиқ изғиринли кунлари тобора яқинлашиб борарди. Чўпон кўч-кўронини ортиб, ўз маконига қайтиш учун бир ўркачли арвона туя сотиб олди.***

Сурув билан саксовулзор қумликлардан ошиб, қишлов жойига етиб келди. Тўқсон кириб, борлиқ қор кўрпасига бурканди. Кекса чўпон ҳаво очиқ пайтлари қўйларини яйловда боқар, сув тортиб молларини суғорар экан.

Кунлар шу тахлит ўтаверди. Саксовул дарахтларидаги чирпи кул рангида товланиб борар, кўклам кириши билан шохлар жилоси ўзгача тус оларди.

Баҳор кунларининг бирида арвона туя ўзининг эски маконини қумсаб, ўша томонларга бўтаси билан йўл олди. Бўта ҳолсизланиб онасига суйкалар, ҳар-ҳар замон унинг сутини ичиб бўзлаб-бўзлаб борарди.

Бир неча кунда туялар ўзининг қадимги манзилига яқинлашди. Уларнинг қаршисидан катта тез оқар дарё чиқди. Она туя безовталанди. У ҳолдан тойган бўтасини дарёга томон итарди. Боласи инграниб-инграниб ўзини чеккага олди. Бу ҳол бир неча бор такрорланди. Ахийри, қаҳрланган она туя боласининг бўйнини қайириб ташлади. Нимжонгина бўталоқ ўша заҳоти питирчилаб жон берди. Шундан сўнг она туя ўзини дарёга ташлаб, кейинги қирғоққа сузиб ўтди...

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

2003 ЙИЛ - ОБОД МАҲАЛЛА ЙИЛИ

## ШУНДАЙ МАСКАН БОР

***Қоровулбозордаги Чўлқувар маҳалласида кўчалар тоза ва озода. Жамоат жойларида ҳам худди шундай. Кўрсангиз бахри-дилингиз очилади. Бу йиғин қошидаги ободончилик комиссияси фаол ишлаётганидан далолат беради. “Обод маҳалла йили” дастурига мувофиқ, тўй ва бошқа маросимларни камчиқим, рисоладагидек ўтказиш тадбирлари белгиланган. Вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида турли мулоқотлар ўтказиш, бунга мактаб, оила ҳамкорлигини таъминлаш дуруст натижа бермоқда.***

-Ҳудудимизда 537 та хонадон бор, - дейди мазкур йиғин раиси Жумагул Абдужалилова. – Бизда 2300 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ўз атрофимизга 41 нафар оқсоқол ва кўча вакилини тўплаганмиз. Улар кучи билан жуда кўп ишларни бажараяпмиз.

Фикримизча, маҳалланинг энг хайрли ишларидан бири кексалар, хусусан ўзгалар ёрдамига муҳтож, ёлғиз яшовчи кишилар хусусида қайғураётганидир. Улардан ҳол-аҳвол сўраш, турмуш камчиликларига барҳам бериш туфайли бундай кишилар ташвиши ортга чекинмоқда.

Йиғин биносига кирган маҳал кўзингиз “Тадбиркор бурчаги”га тушади.

-Тадбиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларга яқиндан кўмаклашаяпмиз, - дейди Жумагул опа. – Мақсадимиз, ҳар оилада бир нафар тадбиркор бўлишига эришиш.

Ҳозир маҳалла ҳудудида Тўлқин Исматов очган, барча турдаги компьютер техникасини ўрнатиш ва таъмирлашга ихтисослашган “Net comp” фирмаси, автомобилларга техник хизмат кўрсатувчи “Евро-Бек”, “Зиёда-обод” қурилиш-монтаж кичик корхоналари фаолият кўрсатмоқда. Биз ҳали маиший хизмат шохобчалари ҳақида сўз юритганимиз йўқ.

Чўлқувар маҳалласида ёшларнинг бўш вақтларини кўнгилдагидек мазмунли ўтказишда муайян тажриба тўпланган. Йиғин ҳудудида “Гўзал” спорт-соғломлаштириш маркази, теннис корти ишлаб турибди. Баскетбол ҳамда мини-футбол майдончалари қуриб, уларни ёшлар ихтиёйига топшириш режаси бор.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

## ЧУСТ МАРМАРИ - ФРАНЦИЯГА

***Чуст тумани “Мармар-Ф” маъсулияти чекланган жамият корхонасида ишлаб чиқарилаётган ўн турдаги мармар бугунги кунда жаҳон миқёсида харидорлар топмоқда.***

Италиянинг “Pedrini” фирмасидан келтирилган тош кесиш ускуналарининг иш унуми юқори бўлиб, турли рангдаги мармарлар замонавий лойиҳадаги қурилишлар кўркига кўрк қўшади.

Ҳозирги кунда корхона Франция, Эстония ва Қозоғистон давлатларига маҳсулот экспорт қиляпти. Хорижий харидорлардан корхона ҳисоб рақамига 272 минг АҚШ доллари ҳамда 199 минг 920 евро келиб тушди.

Бундан ташқари, республикамиздаги қурилишлар билан ҳам маҳсулот етказиб бериш учун 150 миллион сўмлик шартномалар тузилган.

Корхонанинг ўтган йилги ялпи даромади 150 миллион сўмни, соф фойда эса 32 миллион сўмни ташкил этди. Ишлаб чиқариш қувватини икки баравар ошириш мақсадида Италиядан янги тош кесиш линияси келтирилмоқда. Жамоада 37 нафар ишчи меҳнат қилади. Хомашё - тош захираси туман тоғларида мўл-кўлдир.

***“Туркистон-пресс”***





**“Навоий машинасозлик заводи” ишлаб чиқариш бирлашмаси таркибига кирувчи энг йирик корхоналардан бири ҳисобланади. Шу кунларда бирлашмада тўртта ишлаб чиқариш корхонаси ва ўн битта цех фаолият кўрсатмоқда. Ишлаб чиқариш бирлашмасида йилига 12-13 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.**

**СУРАТЛАРДА: 1. Корхона цехининг умумий кўриниши. 2. Йўнувчи токар Ренат Нараев.**

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

## ИТ - ВАФО, ИТ... ЖАФО

(Боши 1-бетда)

Дори-дармон учун нақ 50 минг сўм сарфладим. Қанча ташвиш, ортиқча харажат, беҳуда вақт кетказиш. Хайрият ҳозир соғлиғим дуруст, кўнглим жойига тушди...

Дарҳақиқат, уй ҳайвонлари, айниқса, итларни сақлаш, уларни рўйхатдан ўтказиб, доимий равишда назорат қилишдек муҳим ишга кўпчилик эътиборсиз қараётир. Тўғри, бир қарашда жойлардаги санитария-эпидемиология давлат назорати марказларига берилаётган ойлик ҳисоботларда бу борадаги ишлар талаб даражасида олиб борилаётгандек. Аслида туманлардаги ветеринария-даволаш, коммунал хизмат муассасаларида бу борадаги фаолият кўнгилдагидек эмас. Амударё тумани санитария-эпидемиология давлат назорати маркази бош мутахассиси Дўстжон Қаландаровнинг айтишича, паспортлаштирилган итлар туманда 5 фоиздан ошмайди.

Одатда итлар баҳор мавсумида қутуриш касалига қарши эмланиши керак. Бироқ бу борадаги юмушлар қўл учида бажарилмоқда. Шунингдек, шаҳар ва туманлардаги маиший хизмат кўрсатиш бўлимлари қошидаги дайди итларни овлаш бригадалари меъёрдагидек фаолият кўрсатмаяпти. Натижада биргина Амударё туманида ўтган йили 83 киши ит қопиши оқибатида даволаниб чиқишга мажбур бўлди. Ит тишлаган ҳар бир беморни даволаш харажатлари эса ўртача 44 минг сўмдан тўғри келди. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, паспортсиз, рўйхатга олинмаган ит қопган кишиларнинг даволаниш харажатларини ит эгаси тўла қоплаши шарт.

Мутахассисларнинг фикрича, уй ҳайвонларини биринчи галда дайди итларни белгиланган тартибда ҳисобга олиш, ўз вақтида текшириш, эмлаш ва доимий равишда парвариш қилиб бориш муҳим аҳамиятга моликдир. Бундай ишларни сифатли ва малакали тарзда юргизишда овул фуқаролар йиғини фаоллари, жойлардаги хўжалик раҳбарлари, энг муҳими, ҳайвонларнинг эгалари масъулиятни ҳис қилган ҳолда иш тутсалар дуруст бўларди. Чунки қопоғон, дайди итлардан энг кўп азият чекадиганлар ёш болалардир.

Ўлкамизда яшил таровaт ҳукмрон. Бироқ, одатда ана шу даврда дайди итларда қутуришга мойиллик пайдо бўлади. Демак, бу пайтда биз ҳам эҳтиёткорликни янада оширишимиз лозим.

**Абдураҳмон ИСКАНДАРОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

## ОЛҒИРЛАР

(Боши 1-бетда)

Мирзачўл туманидаги “Мирзачўл” ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган “Қодир” фермер хўжалиги ўтган йили “Иржар” пахта тозалаш корхонаси билан 25919 килограмм пахта хомашёси етиштириб бериш бўйича контрактация шартномасини тузади. Деҳқонлар йил бўйи қилинган оғир меҳнат эвазига белгиланган миқдордаги ҳосилни қабул пунктларига етказиб беришади. “Иржар” пахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятининг шартномага имзо қўйган раҳбари эса 2003 йилнинг биринчи чораги ўтди ҳамки, “Қодир” фермер хўжалигига 1283000 сўм миқдоридаги пулини ўтказиб бермади.

Шунингдек, “Ўзбекистон” ширкат хўжалиги ҳудудидаги “Бахмал-2” фермер хўжалиги аъзолари ҳам “Иржар” пахта тозалаш корхонасининг ғирромлигидан дод деб норози кайфиятда юришибди. Маълум бўлишича, “Иржар” ХЖ билан 2002 йилда давлатга жами 38000 килограмм пахта етиштириб беришга шартнома тузган тадбиркорлар 2003 йилнинг апрел ойига қадар ўзларига тегишли 1148170 сўм маблағни олишолмаётган экан. “Иржар” пахта тозалаш корхонаси маъмурияти томонидан шу пайтгача қарзларни тўлаб беришнинг ҳатто чораси ҳам кўрилмаган.

“Истиқлол” ширкат хўжалиги ҳудудидаги “Хорпуштак” фермер хўжалиги меҳнаткашлари давлат омборларига етказиб берган 32900 килограмм пахтаси учун 1709000 сўм, шу ширкатдаги “Чашма” фермер хўжалиги эса 56520 килограмм ҳосили учун 1029000 сўм пул маблағларини олишолмай ҳар куни “Иржар”нинг остонасида сарғайиб ўтиришган.

Юқорида номлари қайд этилган фермер хўжаликларининг ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиб, вилоят прокуратурасига тақдимномалар киритилди. Уларга асосан вилоят прокуратураси томонидан вилоят хўжалик судига даъво аризалари киритилиб, масала тегишли тартибда ечимини топади. Аммо, “Иржар” пахта тозалаш корхонасининг бундай йўл тутиши 2003 йилги ҳосил тақдирига салбий таъсир кўрсатмайди, фермерлар орасида “режани бажарганинг билан пулини беришмайди, шундай экан, жон куйдириб ишлаб нима қиламиз?”, деган фикр пайдо бўлмайди, деб ким кафолат бера олади?

“Фермер хўжалиги тўғрисида”ги қонун ижроси юзасидан текшириш ўтказилганда, 2002 йил давомида фермер хўжаликларига нисбатан яна қатор ноҳақликлар содир этилгани маълум бўлди.

“Фозил ҳожи” фермер хўжалиги иқтисодий салоҳиятини ошириш ниятида туман МТП раҳбарияти билан МТЗ-80 русумли бир дона тракторни 3 йил муддатга ижарага олиш учун ўзаро шартнома тузади. ТИФ Миллий банк туман филиалидан 3,33 фоиз устама билан бир йил муддатга 2,5 миллион сўм кредит олиб, МТП ҳисоб рақамига ўтказади. Машина трактор парки ҳиссадорлик жамиятининг раҳбарлари эса содда табиатли тадбиркорни лақиллатишиб, ваъдаланган тракторни беришмайди.

Натижада йил якуни билан МТП ХЖнинг шу шартнома бўйича қарзи 2104163 сўмни ташкил этган. Лекин “Фозил ҳожи” фермер хўжалигига банк томонидан берилган кредит учун 608333 сўм 34 тийин устама фоизи ҳисобланиб, шундан 289234 сўм 82 тийини тўлангани аниқланади.

Айнан шундай қисмат “Бирлашгансан” фермер хўжалиги бошига ҳам тушади. “Сенларга албатта ижарага трактор бераман”, деб катта ваъдалар билан шартнома тузиб, фермер хўжалиги орқали юқоридаги банкдан 1900000 сўм кредит олган МТП раҳбарлари эшаги сувдан ўтгач, “қанақа трактор, қанақа шартнома?” дея пинагини ҳам бузмай, таралабедод қилиб юраверишади.

Дарвоқе, туман МТП ҳиссадорлик жамиятида амал курсиларини маҳкам эгаллаб олганларнинг бошқа “ихтиро”лари ҳам бор экан. 2002 йилда “Ҳожи Мирзо Санжарбек” фермер хўжалигига 513212 сўм миқдорида техник хизмат кўрсатиб, фермер хўжалиги ҳисоб рақамидан 1846852 сўм ортиқча маблағни ўз ҳисобига ўтказиб олган.

Бахтимизга шу фермерлар бор экан, битта дўқ урсанг довдирайди, ҳеч нарсага ақли етмайди, деб ҳисоблаган МТП раҳбарларининг “Қишлоқхўжаликкимё” ҳиссадорлик жамиятида ҳам нусхадошлари бор экан. Бу ташкилот ҳам 2002 йилда “Нарпай” фермер хўжалигига минерал ва бошқа турдаги ўғитларни бермасдан, тадбиркорларнинг ҳисоб рақамидан асоссиз равишда 691200 сўм маблағни “юлиб олган”.

Юқорида қайд этилган барча ҳолатлар юзасидан қарзларни ундириш бўйича Жиззах вилоят хўжалик судига даъво аризаси қўзғатиш учун вилоят прокуратурасига тақдимномалар киритдик. Фақат битта нарса кўнгилга ғашлик солади. Ислоҳотларни ортга тортаётган, тадбиркорларнинг асабини таранглаштираётган, белгиланган тартибларни била туриб қасддан бузаётган айрим раҳбарларга нисбатан кўп ҳолларда жиддий чоралар кўрилмаётир. Ана шунисига ачинасан киши.

**Саидмурод ШЕРНАЗАРОВ,**
**Мирзачўл туман прокурори,**
**адлия кичик маслаҳатчиси.**

# ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

(Боши 1-бетда)

Биз Зафар Рўзиев ҳамроҳлигида ўша жойга отландик. Очиғи, йўл бўйидаги ажиб манзараларни кўриб, дили яйрайди кишининг. Бир томонда бошоқлари тўлишган қийғос ғаллазорлар мавжланиб ётган бўлса, иккинчи тарафда бир текис униб чиққан ғўза ниҳоллари кўзга ташланади. Ўз навбатида, ниҳолларни парваришлашга ҳам киришилган – далаларда сувчининг пайкалларга сув тараётгани, механизаторнинг культивация қилаётгани ва ижарачиларнинг чопиқ қилаётганлигини кўриш мумкин. Уватлар ёқалаб экилган дарахтлар ям-яшил тусга кирган, марварид тутлар ғарқ пишган. Хуллас, бу йил кўклам қашқадарёликлар учун ҳам жуда қулай келганлигини сезиш қийин эмас. Бу эса деҳқон учун айни муддаодир.

Илёс Турдиев номли фермер хўжалиги далаларини кўздан кечира туриб, анжуманни ўтказиш учун бежиз айнан шу маскан танланмаганига ишонч ҳосил қилдик. Гапнинг сирасини айтганда, фермер хўжалиги ихтиёридаги юз гектар майдонда парваришланаётган ғалла ва ғўза ниҳолларининг ривожи ён-атрофдагилардагига нисбатан анча баравж эканлиги яққол кўриниб турибди. Хусусан, ниҳоллар бир текис униб чиқиб, анча дуркун тусга кириб қолган, бундай майдонларга сифатли қилиб ишлов берилган, эгатлар бегона ўтлардан тўлиқ тозаланган.

Фермер хўжалиги раҳбари, тажрибали деҳқон Нурилло Илёсовнинг умри далада ўтган дейиш мумкин. У киши фермер хўжалигини 1995 йили ташкил этган эди. Ўшандан буён вилоятда деҳқончилик маданиятини юксалтириш, бу борадаги илғор тажрибаларни оммалаштириш борасида ҳам ибратли ишларни амалга ошириб келаяпти. Ўз навбатида, ана шу йиллар давомида фермер хўжалигини ривожлантира бориб, деҳқончилик соҳасида муайян ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. Фермернинг чўл шароитида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини муттасил ошириб боришга эришаётганлиги, айниқса, диққатга сазовордир. Хусусан, бу ерда ғалла ҳосилдорлиги 1995 йили умумий ҳисобда гектарига ўртача 32,2 центнерни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 1996 йили 38, 1997 йили 50, 1998 йили 53, 1999 йили 62, 2000 йили 70, 2001 йили 73 ва ниҳоят 2002 йили 87 центнерни ташкил этди! Пахта ҳосилдорлиги эса ўтган йили гектарига ўрта ҳисобда 54,5 центнерга етказилди. Фермер хўжалиги биргина бултурнинг ўзида 38724 минг сўм фойда олишга эришди. Рентабеллик эса 124,2 фоизни ташкил этди. Фермер хўжалиги ихтиёрида айни пайтда турли русумдаги 8 та қишлоқ хўжалиги техникалари, турли ускуналар, "Тико" автомашинаси мавжуд.

Ана шу далилларнинг ўзиёқ фермерлик фаолиятининг нечоғли улкан имкониятларга эгалиги, унинг келажаги порлоқ эканлигидан далолат бериб турибди. Нурилло Турдиев каби илғор деҳқонларнинг ютуқ ва тажрибалари эса Қашқадарёда юзага келаётган фермерчилик мактабининг шаклланишида қўл келиши, шубҳасиз.



Энди бевосита фермерлар семинари хусусида тўхталсак. Мазкур йиғинда иштирок этган вилоят ҳокими Нуриддин Зайниев Қашқадарёда фермер хўжаликлари фаолиятини янада жонлантириш, бу борада қилиниши лозим бўлган ишлар ҳақида сўзлади. Дуч келинаётган баъзи муаммоларни бартараф этиш юзасидан ўз таклифларини билдирди. Сўзга чиққан фермерлар ва мутасаддилар ҳам ўз фикрларини очиқ баён этишди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 24 мартда қабул қилинган "Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида"ги Фармони фермерлар фаолиятида ҳам туб бурилиш ясайди. Лўнда қилиб айтганда, бундан кейин республикамиз қишлоқ хўжалигининг асосини фермер хўжаликлари ташкил қилади. Ҳар бир фермер бунинг аҳамиятини тўғри тушуниши, ўзига катта имкониятлар берилиши билан бирга зиммаларига улкан масъулият ҳам юкланаётганлигини теран англаши зарур. Зеро, бундан кейин қўлидан иш келадиган, ҳосилдорлик кўрсаткичларини муттасил юксалтириб борадиган жонкуяр фермерларгина ўз фаолиятини давом эттирадилар. Аммо турли баҳоналарни рўкач қилиб, тузукроқ натижаларга эришолмаган фермер хўжаликлари тугатилиб, улардан ер олиб қўйилади. Чунки, ризқ-рўзимиз манбаи бўлмиш она замин умрини беҳуда ўтказишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Вилоят бўйича ана шундай кайфиятдаги 241 нафар фермердан ер қайтариб олинганлиги ва тендер асосида янги фермер хўжаликлари ташкил этилганлиги ҳам бу борадаги талаблар қанчалик қатъий эканлигидан гувоҳлик бериб турибди.

Бугунги кунда Қашқадарё вилоятида 8542 та фермер хўжаликлари фаолият кўрсатаяпти. Айни вақтда вилоятдаги 58 та собиқ хўжаликлар негизида фермерлар уюшмалари ташкил этилган. Яқин йиллар ичида барча чўл туманларидаги хўжаликларни ҳам асосан фермер хўжаликларига айлантириш мўлжалланган. Шундан ҳам кўриниб турибдики, келажакда фермерлар вилоят иқтисодиётида ҳақиқий маънода етакчи кучга айланади.

Сир эмаски, бозор иқтисодиёти шароитида барча ишлаб чиқариш соҳаларида ўзаро рақобат ҳукмронлик қилади. Керак бўлса, бу – тараққиёт мезонидир. Фермер хўжаликлари ҳам бундан мустасно эмас. Аста-секин улар ўртасида ҳам бундай жараён шаклланиб бораётир. Шу ўринда биргина мисол келтирсак. Маълумки, бу йил Қашқадарё вилоятида мўл-кўл ғалла етиштирилмоқда. Жумладан, фермерларнинг ҳам далаларидаги ҳосил салмоғи чакки эмас. Яна бир жиҳати, уларнинг кўпчилиги мўмай даромад келтирадиган юмуш – уруғлик дон етиштириш билан шуғулланишади. Табиийки, маҳсулот кўп бўлгач, танлаш имконияти ҳам кўпаяди. Демак, бундай шароитда сифатли, белгиланган талабларга тўла жавоб берувчи сара уруғлик дон етиштирган фермернинг ошиғи олчи бўлади. Аксинча, сифатсиз уруғлик ғалла тайёрлаганларнинг эса мушкул аҳволда қолиши тайин. Бу борада оддий қоида шуки, йилни етарлича фойда билан якунлаган фермерлар фаолият кўрсатса, зарар билан чиққан фермер эса ўз-ўзидан инқирозга учрайди. Бундай ҳолатни наинки ғаллачилик, балки пахтачилик, боғдорчилик ва бошқа тармоқларда ҳам кузатиш мумкин. Шундай экан, фермерларимиз ҳозирданоқ рақобатга тайёрланиб боришлари, бундай муҳитда самарали фаолият юритишга ўрганмоқлари керак. Бунинг учун эса уларнинг етарлича ҳуқуқий ва иқтисодий билимга эга бўлишлари талаб этилади.

Семинарда янги тузилаётган фермерлар уюшмаларининг фаолиятини самарали ташкил этиш, улар атрофида фаол инфраструктурани юзага келтириш сингари бир қатор муҳим масалалар ҳам тилга олинди. Уларни амалга ошириш юзасидан таклифлар ўртага ташланди. Айниқса, семинар иштирокчилари муҳокамасига тавсия этилган "Фермернинг ён дафтари" намунавий нусхаси барчада катта қизиқиш уйғотди. Унда фермер хўжалигининг реквизитлари, унга хизмат кўрсатиш тизими (деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги, МТП, СФУ, ёнилғи, минерал ўғитлар базалари, солиқ инспекцияси, статистика бўлими, агросуғурта идораси, пахта тайёрлаш пункти) ҳақидаги маълумотлар ҳам ўрин олган. Булардан ташқари ён дафтарчада фермернинг экин майдонлари схемаси, ер харитаси, унинг бизнес-режаси, моддий харажатлар режаси, тузилган барча турдаги шартномалар қайди, минерал ўғитлар сарфидан тортиб, "Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги қонунгача ўрин олган. Бу мўъжазгина қўлланма фермер хўжаликлари раҳбарлари учун ҳақиқий маънода энг яқин кўмакчига айланишига шубҳа йўқ. "Фермернинг ён дафтари"билан яқиндан танишиб чиққан кишилар қатъий ишонч билан ана шундай фикр билдиришди. Ўз навбатида, уни янада бойитиш юзасидан таклифлар ҳам билдирилди.

-Бугунги йиғинда фермерлар учун ниҳоятда фойдали бўлган фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдирилди, - деди семинарда сўз чиққан деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Нишон тумани вакиллиги раҳбари Ҳайитмурод Фармонов. – Муҳими, булар шунчаки номигагина айтилган қуруқ сўзлар эмас. Бугунги кунда вилоятимизда фермерларга жуда катта эътибор берилаяпти. Бу эса ўзининг ижобий натижаларини бериши, шубҳасиз. Шу ўринда баъзи таклифларимни айтиб ўтмоқчи эдим. Менимча, жойларда фермерлар кунини ташкил қилиш керак. Ўша куни барча тегишли ташкилотлар мутасаддилари фермерлар билан учрашиб, уларнинг дардини эшитсин. Мушкулини осон қилишга кўмаклашсин. Иккинчи таклифим – Нишон туманида ҳам "Ғаллабанк"нинг мини-банки очилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Бу билан фермерларимизнинг овора бўлиб шаҳарга қатнаб юришларига чек қўйилган бўларди.

-Ушбу масала яқин орада ўз ечимини топади, - деди "Ғаллабанк"нинг Қашқадарё вилояти минтақавий филиали бошқарувчиси Шодиёр Эралиев. – Негаки, айни пайтда Нишонда Жаҳон банки линияси бўйича иш олиб бораяпмиз. Ўз навбатида, биз фермерларнинг вақтини тежаш мақсадида жойлардаги мавжуд мини-банкларимизда улар учун кечки соат 5 дан 10 гача бўлган муддат оралиғида хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш хусусида ҳам ўйлаяпмиз.

Банк мижоз учун қанчалик қулай шароитлар яратиб берса, бундан иккала томон ҳам манфаат кўриши оддий ҳақиқат. Қолаверса, вилоят "Ғаллабанк"и мижозлари орасида фермерлар салмоқли ўринни эгаллайди. Мисол учун, банк ва унинг жойлардаги бўлимлари бугунги кунда умумий ҳисобда 1623 та мижозга хизмат кўрсатаётган бўлса, шуларнинг 684 тасини фермерлар ва фермерлар уюшмаси ташкил қилади.

Мазкур банкда хизмат кўрсатиш анча намунали тарзда йўлга қўйилган. Шу боис, бундай тоифадаги мижозлар сони ҳам ошиб бориши тайин. Мини-банкларда эса уларга бизнес режалар тузишда, ҳуқуқий-иқтисодий билимларини оширишда, консалтинг хизмати кўрсатиш борасида ҳам яқиндан ёрдам беради. Бу эса фермер мижозлар учун қўшимча қулайликлар туғдирса, ўз навбатида "Ғаллабанк"нинг универсаллашуви, бу ердаги хизмат турларининг кенгайиши ва пировардида банк даромадининг ошишига хизмат қилади.

Семинарда яна кўплаб долзарб масалалар тилга олинди. Мазкур тадбир унда иштирок этган фермерлар учун бениҳоя фойдали бўлди, дейиш мумкин. Чунки фермерлар ундан кўп нарса олишди. Эртанги иқтисодиётда уларнинг мавқеи қандай бўлиши, ҳуқуқлари-ю, мажбуриятлари нималардан иборат эканлиги хусусида тўлиқроқ тасаввур ҳосил қилишди. Бундан буён омилкорлик билан, виждонан меҳнат қилган фермернинг ишлари бароридан келишига ишонч ҳосил қилишди. Муҳими ҳам шу. Зотан, бугун биринчи галда фермерларнинг фикри ва онгини ўзгартириш керак. Ана шундагина уларнинг давр билан ҳамнафас яшаб, меҳнат қилишларига эришиш мумкин.

**Ғафур ШЕРМУҲАММАД,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**




## САУДИЯДАГИ ЭЛЧИХОНАЛАР ЁПИЛДИ

***Ар-Риёд шаҳрида содир бўлган террор актларидан сўнг, Америка Қўшма Штатлари Саудия Арабистони пойтахтидаги элчихонасини, Жидда ва Даҳрон шаҳарларидаги консулликларини вақтинчалик ёпиб қўйди.***



Боиси, Саудиядаги Америка фуқароларига нисбатан ҳужум қилиниши бўйича ишонарли маълумотлар олинган. Душанбага қадар АҚШ дипломатик корпуслари фаолиятининг тўхтатилишига Даҳрон шаҳридаги Америка консуллигига қуролланган маҳаллий кишининг киришга уринганлиги ҳам бош сабаблардан саналмоқда. Қўшма Штатлардан сўнг Буюк Британия, Италия ва Германия давлатлари ҳам Саудиядаги дипломатик миссияларини вақтинчалик тўхтатганлар.

Эслатиб ўтамиз, 12 май куни Ар-Риёдда содир этилган тўртта портлаш туфайли 100 га яқин киши ҳалок бўлган ва улар орасида Америка ҳамда Европа давлатлари фуқаролари ҳам бор эди.

## ТЕРРОРГА ҚАРШИ ЧОРАЛАР

***АҚШ президенти Жорж Буш маъмурияти террор ҳуружига қарши тайёргарлик кўриш чораларини янада кучайтирди. Бундай чоралар кўришга яқинда хорижий давлатларда содир бўлган террор актлари ҳамда ҳуруж эҳтимоли бўйича олинган разведка маълумотлари сабаб бўлган.***



АҚШ махсус хизматларининг тахминича, Саудия Арабистони ва Марокашда амалга оширилган террор актлари "Ал-Қоида"нинг ишлари фаоллашганидан далолат беради. Ар-Риёддаги портлашлардан бир ҳафта аввал мамлакатда "Ал-Қоида"нинг учта гуруҳи мавжуд бўлган бўлса, улардан бири йўқ қилинган, иккинчиси хорижга қочиб кетган, учинчиси эса Саудияда яшириниб қолганлиги айтилмоқда, дея хабар беради "Рейтер" агентлиги.

## РЕЗОЛЮЦИЯГА ОВОЗ БЕРИЛАДИ

***АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Жон Негропонтенинг айтишича, Ироқ бўйича тайёрланган янги резолюция лойиҳаси бугун овозга қўйилади.***



Бу ҳақда Нью-Йоркдаги БМТ қароргоҳида Хавфсизлик Кенгашининг аъзолари ўртасида бўлиб ўтган мунозаралардан сўнг бир тўхтамга келинган. Агарда янги резолюция қабул қилинса, Ироқ Қувайтга бостириб кирганидан сўнг, унга нисбатан БМТ томонидан жорий этилган жазо чоралари бекор этилади, Ироқ ва унинг нефт заҳиралари устидан Вашингтон ҳамда Лондон назорати ўрнатилади. Ҳозирда янги резолюция лойиҳасини Испания ҳам қўллаб-қувватламоқда. Шунингдек, лойиҳада БМТ инспекторларининг Ироққа қайтиш масаласига ҳам эътибор қаратилган, дея хабар беради "Рейтер" агентлиги.

## "БААС" ЕТАКЧИСИ УШЛАНДИ

***Америка ҳарбийлари "қора рўйхат"дан жой олган Угла Обид Сихар ал-Қубайсини ҳибсга олганлар.***



Рўйхатдаги 50-рақам остида турган бу киши "Баас" партиясининг Майсан губернаторлигидаги ҳудудий бўлимига раҳбарлик қилган. АҚШ қуролли кучлари марказий қўмондонлигининг билдиришича, ҳозирда ал-Қубайси иттифоқчи кучлар назоратида сақланмоқда. Ироқдаги ҳарбий операциялардан сўнг, Саддам Ҳусайн ҳукумати таркибида бўлган 55 нафар юқори мартабали кишиларни ушлаш ва жиноий жавобгарликка тортиш бўйича Вашингтон томонидан тузилган "қора рўйхат"дагиларнинг 28 нафари ҳибсга олинган. АҚШ ҳукуматининг билдиришича, улар инсониятга қарши жиноятларга қўл урганлар, дейилади "Ассошиэйтед-Пресс" агентлиги тарқатган хабарда.

## ФИЛИППИН SARSДАН ХОЛИ

***Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Филиппин давлатини номаълум юқумли касаллик (SARS)дан ҳоли ҳудуд, дея эълон қилди. Боиси, мазкур давлатда сўнгги 20 кун ичида касаллик билан боғлиқ ҳеч қандай ҳолат кузатилмаган.***



Тайванда эса кечанинг ўзида 35 кишида касаллик аломатлари топилиб, шифохонага ётқизилган ва SARS билан оғриганларнинг сони 418 кишига етган. Женевада бўлиб ўтган 56-Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ассамблеясида ҳам асосий эътибор SARSга қарши курашишга қаратилган. Ҳозирга қадар эса бу касалликдан ҳалок бўлганлар сони дунё бўйича 643 кишига, зарарланганлар сони эса 7864 кишига етган.

## ИЛК МУЛОҚОТ

***АҚШ президенти Жорж Буш Фаластиннинг янги бош вазири Маҳмуд Аббос билан илк бор телефон орқали мулоқот ўтказган.***



Оқ уй матбуот котиби Ари Флейшернинг айтишича, дўстона тарзда кечган суҳбатда, минтақадаги бугунги ҳолат ва "Йўл харитаси" номли тинчлик режасини ҳаётга жорий этиш бўйича ўзаро фикрлар алмашинилган. Сўнгроқ, президент Буш Исроил бош вазири Ариэл Шарон билан ҳам телефон орқали суҳбатлашиб, уни тинчликни сақлашга ҳаракат қилишга чақирган. Яқин кунларда эса Жорж Бушнинг Яқин Шарққа сафари кутилмоқда.

**ИНТЕРНЕТ хабарлари асосида тайёрланди.**

БУГУННИНГ ГАПИ

# МАВСУМДА МУАММОЛАР БЎЛМАЙДИ

***Ғалла ўрим-йиғими ишлари бошланишига саноқли кунлар қолди. Шу боис бугун ғаллакору муҳандисларнинг ўй-фикри далада, техникада. Комбайнлар сўнгги бор кўриқдан ўтказилмоқда, донни ташувчи техникалар созлаб қўйилди.***

Ҳукуматимизнинг "2003 йил бошоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига кўра, мавсумда муаммолар бўлмаслиги лозим. Бу ҳақда мутасаддилар ўз мулоҳазаларини айтди.

**Ҳамиджон ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Ўзагромашсервис" уюшмаси масъул ходими:**

-Бугунгача 4711 та ғалла ўрувчи комбайнларни тайёрлаб қўйдик. Шунинг 1628 таси "Кейс" русумли замонавий комбайнлардир. Албатта, энг яхши ишлаган комбайнчилар учун мукофотлар ҳам жорий этилган. Насиб этса, бу ҳам мавсумни тез ва соз ўтказишга хизмат қилади. Шунингдек, донни ташиш ишларида 28600 га яқин юк автомобиллари ва прицепли тракторлар иштирок этиши мўлжалланган. Жойлардаги раҳбарлар, фермеру мутахассислар баҳамжиҳат меҳнат қилишса, ўрим-йиғим ишлари қисқа фурсатда якунланади.

**Турсунпўлат КАРИМОВ,**
**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги бошқарма бошлиғи:**

-Мутахассисларимиз ички ишлар вазирлиги, "Агромашсервис" уюшмаси ходимлари билан ҳамкорликда жойларда бўлиб, ўримга тайёргарлик ишларини ўрганишмоқда, ўз ўрнида маслаҳат ҳам беришяпти. Чунки ғалла ўрими қанчалик тез якунланса, доннинг исрофгарчилиги шунчалик кам бўлади. Шунингдек, келгуси йил ҳосили учун уруғлик дон тайёрлаш масаласи ҳам жуда муҳим. Шу боис уруғликка ажратилган далаларни кўздан кечириш, бегона ўтлардан тозалаш масалалари ҳам диққат-эътиборимизда турибди.

**Содиқжон УМАРОВ,**
**"Ўздонмаҳсулот" корпорациясининг бошқарма бошлиғи:**

-Бу йил донни қабул қилишда асосий эътиборни сифат ва яна сифатга қаратмоқчимиз. Ана шундагина ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлади, эътирозга ўрин қолмайди. Мавсумда 190 та дон қабул қилиш манзиллари узлуксиз ишлайди. Лабораторияларимизга ўрнатилган янги ускуналар ҳосилнинг намлигидан тортиб, ифлослик даражасигача бирпасда аниқлаб беради. Талабга мос дон зудлик билан қабул қилинади. Ҳисоб-китобларга кўра бу йил дон етиштирувчилар миқдори ўтган йилга нисбатан фермерларнинг кўпайиши ҳисобига икки карра ортган – 61000 нафар. Бу албатта мутахассисларимиз зиммасига масъулият юклаши тайин. Шу сабабли корпорация бошқарувининг вилоятларда кўчма йиғилишлари бўлиб ўтаяпти. Ҳукуматимиз қарори ижросини сўзсиз таъминлаш, ғалла ўрим-йиғимини талафотларсиз, уюшган ҳолда ўтказиш масаласи мазкур машваратларнинг бош мавзусига айланган. Назаримда, кенг кўламда қилаётган ишларимиз эртага – ғаллага ўроқ тушганда ўз самарасини беради.

**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири**
**Абдунаби АЛИҚУЛОВ**
**ёзиб олди.**



Ҳар бир кунни ғанимат билиб...

**Оққўрғон туманидаги Акмал Икромов номли ширкат хўжалиги механизаторлари туманда биринчилардан бўлиб чигит экиш ишларини тугалладилар. Айни кунларда бир текис ундириб олинган майдонларда ғўза қатор ораларига ишлов бериш ишлари олиб борилмоқда. Бу ишни тез ва сифатли қилиб бажаришда механизатор Зокир Каримовнинг ҳиссаси катта бўлаётир.**

**СУРАТДА: механизатор Зокир Каримов.**
**Пардабой ЭРГАШЕВ олган сурат.**

## ФИРМА МАҲСУЛОТЛАРИ ТОШКЕНТДА

***Балиқчи туманидаги "Мадина- 97" фирмаси раҳбари Оқибатхон Жакбарова Тошкентдаги "Динамо" савдо бирлашмаси акциядорлик жамияти корхонаси билан 10 миллион сўмлик шартномани имзолади.***

"Мадина – 97" хусусий фирмаси ишлаб чиқараётган спорт костюмлари, ўқув ва спорт сумкалари бугунги кунда кўпчилик харидорларга манзур бўлаётир. Фирмадаги ўттиз нафар чеварлар томонидан тайёрланаётган кўплаб маҳсулотлар ўзининг замонавийлиги, сифати ва арзонлиги туфайли спортчиларга маъқул келяпти.

## ДИВИДЕНД КЎПАЙМОҚДА

***Ўтган йил якунлари бўйича "Жондор пахта тозалаш заводи" акциядорлик жамияти ишчиларининг ҳар бири 403 сўмдан дивиденд олишди.***

Корхона ўтган йилги ҳосилдан 12 минг тоннадан кўпроқ юксак сифатли тола ишлаб чиқарди. Унинг асосий қисмини экспортга жўнатди. Хомашёдан тола чиқиши 35,7 фоизни ташкил этди. Бу эса корхонага 1 миллиард 50 миллион сўм ялпи даромад келтирди.

Айни пайтда технологик ускуналарни капитал таъмирлаш ишлари бошланди.

**"Туркистон-пресс"**

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган барча ташкилот ва корхоналар диққатига!
Республикамизнинг йирик ва универсал банкларидан бири
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ "ПАХТА БАНК"
Сизларга 3 ой муддатга йиллик 22 фоиз ҳамда 6 ой муддатга йиллик 26 фоиз даромад тўланадиган
депозит сертификатларини
таклиф этади!
Ҳар бир сертификатнинг номинал қиймати 100 000 (юз минг) сўм.
Имкониятни қўлдан бой берманг!
"ПАХТА БАНК" —
ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!
Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: 781094; 1732551

ХУШХАБАР

## "НАМУНА"ДА ҒЎЗА ШОНАЛАДИ

***Таҳририятга пахтачилик бўйича Андижон технологиясининг жонкуярларидан бири, тажрибали агроном Ўринбой Раҳмонов қўнғироқ қилиб бир хушхабарни айтди. Маълум бўлишича, Олтинкўл туманидаги деҳқончилик илмининг билимдони, кўпгина ишбошиларнинг устози ҳисобланган Мамажон ота Ҳамроев раҳбарлик қилаётган "Намуна" ширкат хўжалигида агротехника талаблари асосида, меҳр билан парваришланаётганлиги туфайли ғўзалар 21 майдаёқ шона кўрсатибди.***

Айниқса, 48 гектар ерга эрта баҳорда плёнка остига чигит қадаган донгдор пахтакор Сиёсатхон Абдуллаев бошчилигидаги пудратчилар даласида ҳар бир туп ғўзада иккитадан тўрттагача шона маржондек осилиб турганлиги экин парвариши кўнгилдагидек бораётганидан далолат беради.

"Намуна" ширкат хўжалиги кўп йиллардан бери фақат Андижон вилоятида эмас, мамлакатимизда пахтачилик ва ғаллачиликни ривожлантириш борасида ўрнак бўлиб келмоқда. Миришкорлар бу йил ҳам кўп йиллик анъанага содиқ қолиб, барча соҳада намуна бўлишга бел боғлашган.

**Қ.АСҚАРОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туманидаги "АЖЮ" масъулияти чекланган жамиятига 1998 йил 14 октябрда берилган 31824-рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент вилояти Янгийўл тумани ҳокимияти томонидан хусусий тадбиркор Артиков Комилжон Ўрмонович номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Қибрай туманидаги "SEXMET" МЧЖ (фаолият тури бўйича код № 61110, солиқ тўловчининг коди 203503133) тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб бир ой давомида қабул қилинади. Манзил: Қибрай, Университет кўчаси, "Наврўз" маиший хизмат уйи биноси.

Инжиниринговая фирма "Кимёинвестлойиҳа" ГАК "Узкимёсаноат" ликвидируется. Притензии принимается в течении двух месяцев. Адрес: г.Ташкент, ул.Навои, 38. Тел.: 144-90-56.

Тошкент шаҳри Миробод туманидаги 147-мактаб томонидан 1996 йили Баласанова Лиана Андрониковнага берилган №АО013636 рақамли ўрта маълумот тўғрисидаги шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянный гос.ордер №05-02/10984 от 29.04.93 г. права собственности Валиевой Раъно Садыкжановны на квартиру, считать недействительным.

# “ОВАЦИЯ”ГА АТАЛГАН ОЛҚИШЛАР

**_“Овация” модалар театри” хусусий фирмаси лондонлик (Англия) модельерлардан бирининг буюртмасини бажариб, унга 21 та либос тайёрлаб берди. Ҳолбуки, бундан 10-11 йил муқаддам хориждан шундай буюртма олишни орзу қилиш мумкин эди, холос._**

-Маданият соҳасида оз эмас, кўп эмас 15 йил ишлаганман, - дейди фирма раҳбари Ирина Шарипова. – Бу соҳадаги муаммолар менга беш панжадек аён эди.

Ана шундай муаммолардан бири санъаткорлар учун либослар тайёрлаш бўлиб, бунинг учун илгари Москва ва бошқа йирик шаҳарлардаги мутахассисларга буюртма берилар- ди. Кейинчалик бундай буюртмалар учун валюта масаласи юзага келди. Ана шунда Ирина Викторовнада шундай либосларни Бухорода тайёрлаш ғояси туғилди. Ғоя – яхши, аммо ишни сармоясиз бошлаш мушкул. Тадбиркорлардан бири Ирина Шарипованинг саъй-ҳаракатидан хабар топиб ёрдам қўлини чўзди. У ажратган маблағга матолар харид қилиниб, уйда бичиш - тикиш юмушларини бажара бошлашди.

**ТАДБИРКОРЛИК**

Бу орада “Ташаббус-96” кўрик-танловида қатнашган “Овация”чилар вилоятда фахрли 2-ўринни эгаллаб, банкдан икки миллион сўмлик имтиёзли кредит олиш имконига эга бўлишди. Шу тариқа жамоа асосий мақсадларидан бирига эришди. Фирма ишчилари Германиянинг замонавий тикув машиналарида либослар тика бошладилар.

“Овация”нинг бошқалардан фарқли жиҳати шундаки, жамоа кийимни тикишдан тортиб уни намойиш этишгача бўлган жараённи тўлиқ ўзи бажаради.

“Овация” артистлар учун либос тайёрлайди, десак масалани жуда жўн ифодалаган бўлур эдик. Бош модельер Виктория Пономарёва, рассоми Раиса Сирсова, тикувчи Феруза Ҳусаинова, Насима Ҳожиеваларга ўхшаган 36 нафар хотин-қизнинг қалб қўри, кўз нури туфайли халқимизнинг унутилаёзган анъаналари қайта тикланмоқда. Қадимий миллий либослар, эски сўзана ва гиламларга замонавий руҳ берилмоқда. Бу борада ҳунармандлар билан ҳамкорлик қилиняпти. Фирманинг кўргазма залида аҳолидан харид қилинган кўплаб қадимий кийимлар, духоба, жияклар бор. Ирина Шарипова таъбири билан айтганда, Бухоронинг ўзи очиқ осмон остидаги музейдир. Ундаги ранглар жилоси, бетакрор нақшлардан нусха олинса бас.

Фирма мижозлари сафида Тошкент, Навоий, Учқудуқ, Зарафшон шаҳарларининг маданият ходимлари, хорижлик нозиктаъб харидорларни кўриш мумкин. “Овация” модалар театри”нинг энг яхши ишларидан бири шубҳасиз, маданиятимизни хорижликларга тарғиб-ташвиқ қилаётганидир. Шу ниятда “Бухоротуризм” ҳиссадорлик жамияти ҳамда “Ўзбекистон ҳаво йўллари” авиакомпанияси билан фойдали ҳамкорлик йўлга қўйилган.

И.Шарипованинг таъкидлашича, табиий матолардан тайёрланган миллий кийим-кечакларга хорижликларнинг қизиқиши катта. Бу мазкур жамоанинг Германия, Буюк Британия, Франция, Греция, Бангладеш каби давлатларда сафарда бўлган чоғида яққол сезилди. 2001 йилда АҚШда ўтган “Бухоро кунлари” анжуманида энг кўп олқишни “Овация”чилар олишганди.

Бир тадбиркор аёлнинг саъй-ҳаракати туфайли юзага келган, иқтисодий жиҳатдан бақувват “Овация” модалар театри” доимо изланишда. Бинобарин, унга аталган олқишларнинг зўри ҳали олдинда.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**

# ТОШМУРОД АКАНИНГ ЭЗГУ НИЯТИ

(Боши 1-бетда)

Бизлар - ўтган аср етмишинчи йилларининг ўртасида Самарқанд вилоят газетаси (ҳозирги “Зарафшон”)га ишга келган ёш қаламкашлар орасида анча забардаст бир инсон ҳам бор эди. У бу ерга келишдан олдин Сирдарёда, Тошкентда анча нуфузли нашрларда ишлаган, муайян тажриба орттирган, қалами қайралган ижодкор экан. Шу боис ҳар бир ёзган мақоласи биз учун бир ибрат, бир дарс эди бамисоли. У Бош муҳаррир топшириғи билан тонг саҳарда узоқ бир туманга жўнаб кетар, тушлик тугамаёқ таҳририятга қайтиб келиб тўппа-тўғри келиб, машинка хонасига кирар ва бир соатга қолмай яхлит саҳифалик мақолани шу сонга тайёрлаб топширар эди. Ва ўша мақола долзарб бир муаммони кўтариб чиққанлиги учун эртаси куни катта шов-шувга сабаб бўлар, юқори баҳоланар эди.

Эсимда, ўша пайтлар у Пахтачи туманидаги хўжаликлардан биридан “Ҳар қарич ер ҳисобда”, деган мақола ёзган ва ушбу мақола юзасидан вилоят раҳбар идораларининг махсус қарори қабул қилинган эди. Кейинроқ шу хўжаликнинг раҳбари қўшни Хатирчи туманига раҳбар этиб тайинлангани ва бу ерда ҳам ўз тажрибасини давом эттириб, илгари фойдаланилмаган ерлар ҳисобидан яна салкам 5 минг гектар ерда узумзорлар яратгани ҳақида эшитгандик. Рости гап, ўша мақола хўжалик раҳбарининг бутун вилоят, қолаверса, республикада танилишига ва шу аснода унинг ўсишига эзгу, хайрли ишлари кўлами кенгайишига хизмат қилганди.

Бугун биз “журналистлар ихтисослашмоғи керак”, деган даъватларни тез-тез эшитамиз. Бу – замон талаби. Бу – тараққиёт талаби. Ижодкор муайян соҳанинг ютуқ ва муаммоларини чуқур билса, таҳлил қилаолсагина саводли, пишиқ,мамлакат равнақи учун фойдали мақола ёзиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, Тошмурод ака мисолида, ихтисослашган журналистлар ҳамма даврларда ҳам керак бўлган ва уларнинг теран таҳлил, дадил мулоҳазаю таклифларга асосланган чиқишлари тараққиётга хизмат қилган, деган фикр келди ўйимга. Ва бугунги авлод учун уларнинг фаолияти эзгу ибрат бўлиши мумкинлигига қаноат ҳосил қилдим.

Тошмурод Маманиёзовнинг асли касби биолог-тупроқшунос. Дорилфунунни битказгач, Санкт-Петербургда аспирантурада ўқиб, номзодлик диссертацияси ҳам ёзган. Аммо диссертация мавзуси ўша даврдаги партия раҳбари Никита Хрушчевнинг деҳқончилик борасида олиб борган ўзбошимча сиёсатига тўғри келмагани учун инкор этилади ва Тошмурод Маманиёзов Нева соҳилидан Сирдарё бўйларига қайтиб келади. Мирзачўлга агрономлик қилиш ниятида келди-ю, тақдир тақозоси билан насибасини чўлқуварлар газетасидан топди. Ёш олимнинг қишлоқ хўжалиги муаммоларини яхши тушунишини аввалдан билган журналист Георгий Вагман уни таҳририятга бошлаб борди. Муҳаррир Бўрон Умаров унинг қаламкашликдаги биринчи устози бўлди. Кўп ўтмай уни вилоят газетаси “Сирдарё ҳақиқати”га ишга таклиф этишди. Акмал Пўлат, Султон Акбарий, Исмоил Сулаймонов сингари етук журналистлар билан ишлаб чиниқди. 1974 йилда “Қишлоқ ҳаёти” (ўша пайтда “Қишлоқ ҳақиқати”) газетаси очилганда уни ҳам иқтидорли журналист сифатида таҳририятга ишга таклиф этишди. Ораликда “Малик” хўжалигининг “Комплекс механизация учун” номли газетасида, “Ўзбекистон” нашриётида, “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журналида ишлаб, катта тажриба орттирганини ҳам айтиш жоиз. Хуллас, Тошмурод ака Самарқандда ишлаган чоғлари қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган билимли ва маҳоратли журналистнинг яққол намунаси эди, десам муболаға бўлмаса керак.



Яна шуни айтишга жазм этаяпманки, Тошмурод Маманиёзов фақат касби соҳасидаги синовларда эмас, ҳаёт имтиҳонларида, тақдирнинг машаққатли жабҳаларида ҳам чиниққан, иродаси мустаҳкам бир шахс сифатида шаклланганди. Қарангки, шундай бўлса ҳам у машаққатлар, тўсиқлар, ноҳақ қилинган жабру жафолар ҳақида гапирмайди. Билъакс, умрида ўзи яхшилик кўрган инсонлар ҳақида миннатдорлик билан эслайди.

- Ўшанда ўнинчида ўқирдим. Эшакка миниб китоб магазинига кетаётгандим,- деб эслайди у. - Самарқанд-Бухоро йўлида далаларни кўздан кечираётган бир неча “катта”ларга салом бериб чеккароқдан ўтдим. Хушсурат, хушфеъл бир киши саломимга алик олиб, ёшимни, ўқишимни суриштирди. Айтдим. Қаёққа кетаётганимни сўради. “Китоб олгани бораяпман”, дедим. Ўқишга қизиқишимни, мактабни битиргач олий ўқув юртига кирмоқчи эканимни айтдим.

-Ота-онанг нима иш қилади, - деб сўради у киши.

-Оддий деҳқон...

У киши ён дафтарига менинг исми-шарифим, манзилимни ёзиб олди. Кўп ўтмай у киши менга хат ва ўқишга боришим учун йўлкирага пул жўнатди. Ўшанда у кишининг Шароф Рашидов эканини билдим. Кейинроқ ҳам у киши менинг ўқишим, илмий ишларимдан хабардор бўлиб турди. Олимликда омадим келмаганида далда берди. Илмий меҳнатим зое кетганидан тушкунликка тушиб, оз-моз ичкиликка берилганимни эшитиб, қаттиқ койиди. Кейин журналистика соҳасида ишлаётганимни эшитиб хурсанд бўлди, маъқуллади... Журналистикада Бўрон ака, Акмал ака, Исмоил ака сингари устозлар сабоғини олганим билан фахрланаман.

Ҳа, ҳаётда омад ва омадсизлик, қувонч ва қайғу ҳамиша ёнма-ён. Одам дилгир кунларида сабри панд бериб, узлатга чекинса, ичкиликка ружу қўйса охири вой. Буни қанча-қанча истеъдод соҳибларининг фожиали тақдиридан яхши биламиз. Хайрияткн, Тошмурод ака ўзини вақтида қўлга ола билди. Ирода, матонат унга панд бермади. 1982 йилдан Навоий вилоят “Дўстлик байроғи”, кейинроқ Нарпай туманининг “Пахтакор овози”, Хатирчи туманининг “Янги ҳаёт” газеталарида ишлаб, ўз тажрибасини ёшларга қунт билан ўргатди. Мудом яхши ишлади. Чуқур таҳлил, самимий танқид, жўяли таклиф акс этган мақолалар ёзди. Пенсияга чиққанидан кейин ҳам фаоллигини сусайтирмади. Боғдорчилик билан шуғулланди. Газеталарда баҳоли қудрат қатнашиб юрди.

Бугун ҳам, гарчанд соқоли кўксига тушган бир нуроний эрсада, руҳан ёш, серғайрат. Нарпайда яшашига қарамасдан марказдаги таҳририятларда тез-тез бўлиб, ёш ижодкорлар билан гурунглашади, замонавий мавзуларда мунозара юритади.

-Мустақиллик ўзбек журналистикасига беҳад катта имконият берди, - дейди Тошмурод ака. – Энди биз дунёга чиқаяпмиз. Демак, дунёга ўзимизнинг билим ва салоҳиятимизни, Юртбошимиз таъкидлаганларидек, “Ҳеч кимдан кам эмаслигимизни кўрсатишимиз зарур. Бунинг учун эса ўқиш, тилларни ўрганиш, маҳоратни ошириш ва албатта ихтисослашиш лозим. Журналистикада ихтисослашиш бўлмаса теранлик ва миқёснинг кенглигига эришиш қийин. Балким сизга муболаға бўлиб туюлар, лекин менинг назаримда журналист сиёсатни сиёсатчидан, иқтисодни иқтисодчидан, тиббиётни шифокордан яхшироқ билиши шарт. Ана шундагина у ҳақиқий журналист бўлиши мумкин. Орзуйим шуки, бизнинг йигитлар нафақат журналистика, балки барча соҳаларда дунё даражасидаги етук мутахассислар, баркамол инсонлар бўлиб етишишсин”.

Назаримда кекса қаламкашнинг бу гапларида бугунги авлод журналистлари уқса, мағзини чақса арзийдиган фикрлар мужассам. Шундай эмасми?

Дарвоқе, яқинда Тошмурод аканинг Ҳусниддин исмли ўғли билан танишдим. У Тошкентда ишларкан. Инглиз тилини мукаммал билади. Яхши тарбия кўрган. Касбини пухта эгаллаган. Унинг айтишича, Тошмурод аканинг бошқа фарзандлари ҳам яхши касбларни эгаллаган ва турли соҳаларда ишлаб, Ватан равнақига хизмат қилмоқда. Шу ҳақда эшитдиму беихтиёр Тошмурод Маманиёзов билдирган орзу-тилак ҳақида ўйладим. Ва ўз тилагининг ижобатига ўзи ҳам бевосита ҳисса қўшаётган бу ўктам инсонга меҳрим яна ҳам ортди.

**Ҳабиб ТЕМИРОВ**

# ҚИЗИҚУВЧАН АРБОБЛАР

**_Хоразм хони Муҳаммад Раҳимхон давлат ишларидан бўш пайтларда шоҳмот ўйнашни хуш кўрган._**

Ҳатто замондошларининг қайд этишича, хориж элчиларию мана-ман деган шатражчилар ҳам уни ўйинда мағлуб эта олмаган. Яна бир ҳукмдор Муҳаммад Аминхон эса 9 йиллик хонлик даврини кўпинча созандаю ҳофизлар даврасида ўтказиб, созга меҳр қўйган. 1855 йил тахтда ўтирган Абдуллахон танбур ва ғижжакни моҳирона чалган.

**МОЗИЙ**

1856-1864 йилларда давлат раҳбари бўлган Сайид Муҳаммадхон ҳам дутор ва ғижжак чалиб, машҳур созанда сифатида довруғ қозонганди. “Феруз” тахаллуси билан шеърлар битган, асл исми Бобожон тўра бўлган Муҳаммад Раҳимхон II эса маданият ва санъат ҳомийси сифатида тарихда қолган.

Феруз моҳир боғбон сифатида турфа гуллар етиштирган. 1910-1918 йилларда Хива хонлиги тахтига ўтирган унинг ўғли Исфандиёрхон ҳам “Фаррух” тахаллуси билан шеърлар битган. Шунингдек, у Оврўпони кезган савдогар, ўз қўли билан қиличлар ясаган уста, соат тузатиш билан вақтини ўтказадиган моҳир соатсоз ҳам бўлган.

**Умид БЕКМУҲАММАД**

# РАДИО ЗЎР НАРСА-ДА!

**_Хилма-хил радиоўйинларни айтмайсизми? Битта гугурт қутидек тўлқинтутар, битта бекорчи телефон бўлса бас._**

Булбулигўё сухандон ҳар куни қайта-қайта қулоққа қўядиган рақамни териб, эфирга уланиб қолсангиз борми? Бош қурғурда нимадир бўлса бас. Саволлар ҳам унча қийин эмас. Мана, ҳозир ҳам уйимда телефон йўқлигидан афсусланиб ўтирибман. Қайсидир каналдан радиоўйин берилянти. Тўғридан-тўғри эфир. Омадингиз чопиб эфирга тушиб қолсангиз, гапираётган гапингиз ҳам оғзингиздан, ҳам ёнгинангиздаги радиокарнайдан эшитилади.

**ҲАЖВИЯ**

Бошловчи куйиб-пишиб ўйин қоидасини уқтиряпти:

-Ўйинимиз шартини айтиб қўяй. Беш сония вақт ичида саволимизга жавоб қайтаришингиз лозим. Биророта саволимиз ёқмаса алмаштириб ҳам берамиз (Қаранг-а, зўр сотувчи чиқаркан бу қиздан!). Мана, биринчи иштирокчимиз билан боғландик. Алло, ассаломалейкум.

-Алло, сомейкум. Ман Шойиман (Шоира бўлса керак-да!)

-Валекум ассалом. (Бунча серсалом бўлмаса булар).

-Ҳа, танидим, аввал ҳам телефон қилгандингиз (Хотирангга балли-е!). Демак, шартимизни биласиз. Савол. Юз сантиметрга тенг ўлчов бирлиги?

-А... ҳмм, вой, бошқасини беринг!

-Ҳа, хўп, ана бир миллиардда неча нол бўлади?

Тут... тут... тут... (Бу телефоннинг овози. Алоқа узилиб қолдими, тингловчи қиз атайин гўшакни қўйдими, ҳар ҳолда буни менам, бошловчи ҳам билолмадик). Э, тингловчидан кўпи борми? Дарров бошқасини улаймиз-қўямиз. Яна ўша савол.

-Бир миллиардда нечта нол?

-Вариантлар борми?

-Хўп майли, еттита, саккизта, тўққизта. Қайси бири? Ўйлашингиз учун беш сония (Орадан ўн беш сония вақт ўтди-ёв). Хўш, жавобингиз?

-Тўққизта!

-Офарин! (Бошловчи маошига қўшимча мукофот олгандай қувониб кетганга ўхшайди). Қойилман. Жуда зукко йигит экансиз. Кейинги савол. Юз килограммга тенг оғирлик ўлчов бирлигини биласизми?

Орадан бир пиёла чой ичгулик жимлик.

-Ҳа, топдим, пуд!

-Э, қанақа пуд (қизнинг жаҳли чиқди чоғи!). Сиз билан хайрлашамиз. Кейинги тингловчи.

-Алло, ассалом алайкум (Ў, буниси топадими, дейман. Овозиям дадил). Анақа, мен жавоб бермоқчийдим.

-Марҳамат.

-Юз кило... нима дедингиз? (Э, қулоғингдаги пахтани олиб қўймайсанми, оғайни)

-Юз сантиметрга тенг оғирлик ўлчов бирлиги.

-Пуд!!! (Қойил! Ҳозир биттаси шу жавобни айтганида қаёқдайдинг?! Пахтани ол дедим, қулоғингдан)

Тушунган қиз экан, койиб ўтирмай, шартта бошқа тингловчи билан боғланди:

-Юз кило!..

-Э, менга янгисидан беринг, янгисидан.

-Хўп, юз кило – бу центнер. Наҳотки, ҳеч ким билмади шуни, ҳеч қиси йўқ. Янги савол. Вена қайси давлатнинг пойтахти?

-Қозоғистонники! (Яша! Оғзингга келганини қайтарма. Сендан нима кетди?!)

-И-и, нималар деяпсиз? Қозоғистоннинг пойтахти Олма-Ота-ку!.. (А? Ҳай, майли, янгиси бўлмаса эскиси. Шунисигаям шукр!)

-Сиз билан ҳам видолашамиз. Алло, яхшимисиз? Сизга янги савол. Касалликлар, уларни даволаш ва олдини олишни ўрганувчи фанлар мажмуи нима дейилади?

-А?

Савол қайтарилади. Бечора қизга ачиниб кетаман. Ё тез гапираётганидан ҳеч ким унинг гапини тушунмайди, ё қўнғироқ қилаётганларнинг қулоғи...

-Арифметика, - ғолибона ҳайқиради "зукколик"ка даъвогар.

Навбатдаги тингловчи, навбатдаги савол.

-Олти қисмдан иборат ўзбек миллий мусиқа асари?

-Вариантлар айтинг.

-Афсус, вариантлар йўқ.

-Ҳеч бўлмаса, бир учини чиқаринг.

-Як, ду, се, чор, панж, у ёғи нимайди? Олти нима бўлади тожикчада?

-...

-Шаш бўлади. У ёғини топинг энди!

-Шашлик...

Бўлди. Алам билан тўлқинтутарнинг тугмасини босаман. Эртагаёқ уйга телефон ўрнатмасам, бўлмайди. Билимдонлик қанақа бўлишини кўрсатиб қўяман!..

**Иқбол ҲУМОЮН**

# КУТУБХОНАДА ҚЎҒИРЧОҚ ТЕАТРИ

**_Бундан уч-тўрт йил муқаддам Жомбойда китоб ва унга муносабат масаласини ўрганган экспертлар гуруҳи салбий фикрларини билдиришган эди._**

Жумладан, маънавият ўчоқларида шўро мафкураси асосида ёзилган китоблар ҳамон турганлиги, аъзо китобхонларнинг камлиги, кутубхона мудираларининг малакаси юқори эмаслиги ҳақидаги фикрлар баён этилганди. Хулосалар асосли эди, албатта.

Ўтган даврда туман маданият ишлар бўлими кутубхоналар тизими фаолиятини ислоҳ қилиш йўлида жиддий ишладилар. Мавжуд 37 кутубхонанинг ҳар бирида алоҳида мониторинг ўтказилиб, китоблар сараланди, мудиралар аттестациядан ўтказилди, уларнинг малакаси оширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тизим ходимлари китобхонларни чорлабгина қолмай, аҳоли ўртасига дадил юриш бошладилар. Китоб қўлтиқлаган зиёлилар меҳнат жамоаларига, энг чекка қишлоқларга, хонадонларга таклифлари билан кириб бордилар. Буни қарангки, мафкуравий тозаланишдан сўнг китоб фонди бирмунча қисқариб, 334 мингтага тушиб қолган эса-да, китобхонлар сони ошди. Янги китобларга бўлган қизиқиш, талаб айниқса ёшлар ўртасида кучайди.

**МАЪНАВИЯТ**

Мавлуда Эргашева директорлик қилаётган марказий кутубхона фаолиятининг тубдан қайта ташкил этилганлиги яхши самара берди. Кутубхонада фаолият бошлаган қўғирчоқ театри болажонларнинг, айниқса, мактабгача тарбия муассасалари тарбияланувчиларининг севимли масканига айланиб қолди. Халқ эртаклари асосида маҳаллий актёрлар саҳналаштираётган томошалар орқали мурғак қалбларда китобга меҳр уйғотилмоқда. Бундай китоб тарғиботи билан боғлиқ тадбирлар турли кўринишларда йил бўйи давом эттирилмоқда. Учрашувлар, бадиий кечалар, китобхонликлар кенг омма ўртасида қизиқиш туғдирмоқда.

Туман маданият ишлари бўлими мудири Асрор Бобоев 2002 йилда кутубхоначилар ўртасида ўтказилган “Президент асарлари билимдони” республика кўрик-танловида биринчи ўринни олганликларини мамнунлик билан эътироф этди. Умуман олганда, иккала маънавият-маърифат ўчоғининг бир жойда жойлашганлиги ҳудуддаги маданий иқлимнинг янада кенгроқ қулоч ёйишига замин ҳозирлайди.

**Ўктам ҚУРБОНОВ,**
**“Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**





Ш.БОЛТАЕВ олган сурат.

# УНГА ИШОНИШСА, БАС

**_“Сен ҳам бошқа тенгқурларинг қатори уйланиб, бола-чақа орттиришинг, тинчгина меҳнат қилиб, яшашинг мумкин-ку!_**

Нега энди била туриб гулдай умрингни қамоқхона панжаралари ортида ўтказишни ўзингга қисмат қилиб оляпсан? Наҳотки, ҳаётдан ҳеч қандай умидинг бўлмаса... Ахир, онангдан ўғри бўлиб туғилмагандирсан...”

Навбатдаги сўроқ тугагач, уни олиб чиқиб кетишаётганда, терговчининг унга тикилиб туриб айтган ушбу сўзлари қалбини зирқиратиб юборди. Ўшандан сўнг камерада ўтириб, кечалари эзилиб йиғлаб чиқди.

“Мен ҳам бошқаларга ўхшаб яшагим келади, аммо номим қора – ўғриман. Мени исмим билан аташмайди”. У озодликка чиққан кунларини эслади. Авф этиш ҳақидаги Президент Фармони чиққанда, у ҳам эркин қуш бўлиб қишлоғига борди. Аммо, ҳамқишлоқлари уни кўрган заҳоти ўзларини олиб қочишди. Ҳатто ўртоқлари ҳам йўқ. Доимий “ўртоқлари” шу ерда – қамоқхонада. Мана, у билан ёнма-ён ўтирган, қора уст-бош кийиб, маҳкумликни бирга ўтаётган, ўзи каби “ноёб” касбли кимсалар. Эсини танибдики, қамоқхонада.

Аъзам охирги марта озодликка чиққанида ҳам дастлаб тўғри уйига борди. Ота, ўгай она илиқ қарши олишган бўлса-да, барибир ундан шубҳалана бошлашгани, у-бу нарсани кўздан яширишаётгани сезилиб турарди. Уларнинг бундай қилиқлари яна унинг ҳамиятига тегарди. Балки шу сабаб, ўз уйига ҳам ўғирликка тушгандир. Охирги гал у опасининг уйида ўғирлик қилди. Хўжаободда истиқомат қиладиган опаси уни меҳмондорчиликка таклиф этди ва ўз қўли билан инисини яна милиция қўлига топширди.

**Т У Р М У Ш**

Меҳмон бўлиб келган Аъзамнинг егани ош эмас, таънаю дашном бўлди. У аслида опажониси билан юракдан ёзилиб суҳбатлашмоқчи, жиянларини ҳадди сиғиб, эркалатмоқчи эди. Бироқ, “тоғанг ўғри” деб, уларнинг қулоғига уззукун қуйган, жиянлари кўз ўнгида укасига дашном беришдан бўшамаган опасини у сабр билан эшитди. Ичида ғазаб, кек ўти алангаланди. Бундан бир неча соатлар олдинги бутунлай бошқа одам бўлиш ҳақидаги фикрларидан асар ҳам қолмади. Тунаб қолиш баҳонаси билан ярим тунда анчагина пул, сандиқдан қимматбаҳо матоларни олиб чиқиб кетаётганини опаси сезиб қолди.

...Аъзам беғубор болалигини яхши эслайди. Раҳматли онаси уни мактабига кузатар эди. Мактабдан қайтиб, онасининг юмушларига кўмаклашар, шунда онаси: "Дастёримдан, кенжамдан айланай", дея алқарди. Дард тегиб, она оламдан ўтди. Ота бошқа аёлга уйланиб, мурғак болаларини “кўчага” ташлаб қўйди. Ака-опалари йўлини топиб кетишди, уйли-жойли бўлишди. Аъзам эса ҳаёт чорраҳасида етакловчисини йўқотди. Адашди, ўғрига айланди. Бора-бора қамоқхона унинг манзили бўлиб қолди.

Озодликка чиққач, бир нарсадан аламзада бўлган заҳоти ўғирлик қилади-ю, яна ўзи билган “манзил”га келади. У бу ҳаётга кўникиб қолди.

Аъзам чуқур хўрсинди, кўз ёшларини артди. Ёши ўтиб боряпти. Болалик, йигитлик даври ортда қолди. Энди у озодликка чиққач, ўз ҳаётини қайта қуриши, ҳеч бўлмаса, одамлардек яшаши керак. Бутун аламини ишдан олади. Меҳнат қилади. Фақат... фақат, унга ишонишса бўлгани. Ундан гумонсирашмаса, шубҳаланишмаса, бас...

**Умида ЮСУПОВА,**
**Андижон вилояти.**

# SPORT OLAMIDA

## БАЙРАМОНА РУҲДА ЎТДИ

**_Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра футболни ривожлантириш ишига қўшган хизматлари учун “Ўзбекистон ифтихори” унвони билан тақдирланган моҳир футбол юлдузи ҳамда иқтидорли мураббий Биродар Абдураимов таваллудининг 60 йиллиги тантаналари “Пахтакор” марказий ўйингоҳига ташриф буюрган мухлислар қалбида катта таассурот қолдиргани аниқ._**

Чунки, шу куни Абдураимовни қутлагани собиқ иттифоқ терма жамоасида маҳорат билан тўп сурган Георгий Ярцев, Вагиз Хидиятулин, Хорен Оганиян, Ринат Дасаев сингари футбол юлдузлари Тошкентга ташриф буюришди. Дарвоқе, шу куни майдонда Андрей Пятницкий, Қуролбек Ўрдабоев ва Миржалол Қосимовлар ҳам ўзларининг ажойиб ўйинлари билан мухлислар кўнглини шод этишди. Албатта, “Пахтакор” марказий ўйингоҳида Ўзбекистон ҳамда собиқ иттифоқ терма жамоалари учрашувидан аввал эстрада хонандалари ижросида концерт томошалари намойиш этилди. Шундан сўнг мухлислар кутган ажойиб футбол – шоу учрашуви бошланди. Қизиқарли комбинацияларга бой, ҳар икки томоннинг навбатма-навбат ҳужумлари билан давом этган беллашувда 6:6 жанговар дуранг ҳисоби қайд этилди. Шу куни ишқибозлар Азамат Абдураимов (2 та), Георгий Ярцев, Шуҳрат Мақсудов, Муҳсин Муҳаммадиев, Вячеслав Егорович (2 та), Қайрат Бикенов, Баҳодир Абдураимов, Ботир Абдураимовлар томонидан дарвозаларга йўлланган чиройли голларнинг гувоҳига айланишди.



## ИРОДА – КЕЙИНГИ БОСҚИЧДА

**_Испанияда жаҳоннинг кучли теннисчи аёллари ўртасида давом этаётган турнир мамлакатимиздаги спорт ишқибозларини ҳозирча хушнуд этмоқда._**

Чунки унда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган теннисимиз “малика”си Ирода рақибларини енгиб, кейинги босқичга йўл олди. Эндиликда ҳамюртимиз америкалик ракетка устаси Эмми Фрейзерга қарши кортга тушади.

**Имомали УЛФАТОВ тайёрлади.**

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги С.Айний номли ўрта мактаб томонидан 1987 йил 29 июнда Жуманиязова Норгул Раимовнага берилган КК № 364301-рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“Ўзбек ипаги” уюшмаси, “Пилла-холдинг” ва “Шойи” акциядорлик компаниялари жамоалари Хоразм вилояти “Пилла” акциядорлик бирлашмаси Молия, бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи бўлими бошлиғи Пирназар Юсуповга волидаи муҳтарамаси **ЮСУПОВА БИБИРАЖАБ** аянинг ва акаси **ЮСУПОВ ХАКИМБОЙ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Бош муҳаррир **ЎТКИР РАҲМАТ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** **Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ** (Бош муҳаррир ўринбосари), **Ҳабиб ТЕМИРОВ** (Бош муҳаррир биринчи ўринбосари), **Ғафур ШЕРМУҲАММАД** (масъул котиб), **Озод ШАРОФИДДИНОВ.**

МУАССИСЛАР: **Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар**

**ТЕЛЕФОНЛАР:** **Қабулхона** – 136-58-83. **Бош муҳаррир ўринбосарлари** – 133-16-27, 133-44-43. **Котибият** – 136-56-30. **Ижодий гуруҳлар** – 136-54-44, 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42. **Факс** – 133-09-93, 133-40-87

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:** **Қорақалпоғистон Республикаси** – 8-361-58-512-17; **Андижон** – 8-374-2-25-32-23; **Бухоро** – 8-365-22-648-22; **Жиззах** – 8-372-22-648-72; **Навоий** – 8-436-22-588-56; **Наманган** - 8 – 369-43-311-81; **Фарғона** – 8-373-61-221-97; **Самарқанд** – 8-366-233-00-52; **Сурхондарё** – 8-376-46-526-61; **Сирдарё** – 8-367-225-41-73; **Тошкент** – 8-371-136-56-21; **Хоразм** – 8-362-22-623-50; **Қашқадарё** – 8-375-22-517-65.

**Реклама ва эълонлар бўлими телефони: 133-44-43, 136-58-83.**

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

**Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар**

**Навбатчи:** Ш.ОРТИҚОВ

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитаси томонидан 2002 йил 18 февралда № 00694-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.**

Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

Буюртма Г-381, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00. Босишга топширилди: Адади 16 114

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6

E-mail: kishlokhayoti@yahoo.com